O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№10 (763) 2024 йил 13 февраль, сешанба
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА УНУМДОРЛИК ВА МАНФААТДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ҳам миқдор, ҳам самарадорлик жиҳатидан ривожланмоқда. Кластер тизими орқали юқори унумли техника ва чуқур қайта ишлаш кириб келмоқда.

2023 йилда соҳада ишлаб чиқариш 4,1 фоизга ўсиб, 426 триллион сўмни ташкил қилган. Экспорт эса қарийб 2 миллиард долларга етган. 152 минг гектар боғ ва токзорлар барпо этилиб, 185 минг тонна мева-сабзавот, 31 минг тонна гўшт ва 485 минг тонна сутни қайта ишлаш қувватлари ишга туширилган.

Яқин тарихимизда илк бор пахтадан 3 миллион 700 минг тонна, ғалладан 8 миллион тонна ҳосил олинди. Уларнинг ҳисобини юритиш ва маҳсулотни сотиш тизими тўлиқ рақамлаштирилди.

Йиғилишда асосий эътибор қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш, таннархни камайтириш, сувни тежашга қаратилиб, галдаги вазифалар белгиланди.

Президентимиз ер ва сув ресурслари чекланган шароитда янгича ишлаб, маҳсулотни кўпайтириш, соҳага саноат муҳитини олиб кириш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, юртимизда бир гектар майдондан олинадиган ўртача ҳосил илғор мамлакатлардагига қараганда кам. Лекин ўғит ҳам, ёқилғи ҳам, сув ҳам 2 карра кўп ишлатилади. Шу боис хориждан серунум чигит ва уруғлар олиб келиб, деҳқонларни янги агротехнологияларга ўқитиб, ҳосилдорликни пахтада 50 центнер, ғаллада 100 центнерга етказиш мумкинлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари фермерларнинг манфаатдорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда, янги тартиб асосида, пахта хомашёси биржа орқали сотилмоқда. Нью-Йорк биржасида пахта нархи ошмоқда. Ғаллачиликда ҳам бозор муносабатлари ҳисобига фермерларнинг даромади 2 баравар ортган.

– Агар деҳқон ва фермерни иқтисодий манфаатдор қилсак, улар давлат маблағисиз ҳам ишлай оладиган вақтлар келади. Менинг мақсадим шу, – деди Шавкат Мирзиёев.

Манфаатдорликни янада ошириш учун бу йил, пахтачиликда бўлгани каби, ғалла етиштиришда ҳам имтиёзли кредитни тўғридан-тўғри фермерга бериш тизими жорий қилинади. Бундан ташқари, давлат ресурси учун харид қилинган буғдойни даладан ташиб келиш ва сақлаш харажати ҳам тўлиқ бюджетдан қопланади.

Фермер хўжаликларининг барқарорлигида харажат камлиги ҳам муҳим. Шунинг учун минерал ўғитлар таннархини бу йил 15 фоизга камайтириш, уларни биржага етарлича чиқариш, яна 70 та туманда ўғит омборлари ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, минерал ўғит сифати ва устамаси алоҳида назоратга олинади. Фермерларга ўз ҳисобидан ўғит сотиб олиш бўйича қулайлик яратилади. Жойлардаги омборлардан минерал ўғитни ташиш учун транспортни логистика порталида мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби бекор қилинади.

Сув йўқотилишини камайтириш мақсадида бу йил 75 та йирик канални бетонлашга бюджетдан 680 миллиард сўм ажратилган. Сув тежовчи технологиялар учун 3 йил имтиёзли давр билан 5 йилга 14 фоизли кредит бериш йўлга қўйилган. Йиғилишда бу борада ҳудудлардаги ишлар таҳлил қилиниб, сусткашликлар кўрсатиб ўтилди.

Соҳада ҳисоб-китоб интизомида ҳам камчиликлар борлиги айтилди. Масалан, кластерларнинг фермерлар олдидаги қарздорлиги ҳали тўлиқ тўланмаган.

Энди янги тизимга кўра, олдинги қарзини 1 апрелгача тўлиқ тўламаган кластер билан фьючерс шартномаси бекор қилинади ва фермерга пахтани биржада сотишга рухсат берилади. Маълумотни электрон платформага киритган ва фьючерс шартнома имзолаган фермерга кредит кўпи билан уч кун ичида ажратилиши шарт этиб белгиланди.

Йиғилишда мева-сабзавот етиштириш ҳамда экспорти ҳажмини ошириш чоралари ҳам кўриб чиқилди.

Бунинг учун аввал ажратилган 200 минг гектарга қўшимча, яна 60 минг гектар ер аҳолига тарқатиб берилади. Шунингдек, томорқаларда кооперация асосида маҳсулот етиштириш қўллаб-қувватланади. Бу мақсадларга 100 миллион сўмгача гаровсиз, 150 миллион сўмгача гаров таъминоти пасайтирилган ҳолда имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Фермер ва деҳқонларга зарур техникалар "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти томонидан 10 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан лизингга берилади. Четдан олиб келинадиган мотокультиватор ва минитракторларга божхона имтиёзи 3 йилга узайтирилади.

Сўнгги йилларда юртимизда иссиқхона майдонлари, уларда етиштирилган маҳсулотлар ҳажми 3 баробарга кўпайган. Бугунги кунда ёқилғисиз иситиладиган иссиқхоналар барпо қилиш оммалашиб бораяпти.

Президент бу тажрибани маъқуллаб, уларни кўпайтириш, деҳқонларга тайёр ҳолда қуриб бериш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун "Оилавий тадбиркорлик" дастури доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади.

Қишлоқ хўжалигига инвестициялар ҳам фаол жалб этилмоқда. Жорий йилда 655 миллион доллар хорижий сармояни ўзлаштириш режалаштирилган. Лойиҳаларда бозорга сархил маҳсулотлар етказиб бериш, озиқ-овқат инфляциясини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, импорт ўрнини босувчи 25 турдаги озиқ-овқат бўйича 342 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Буни давом эттириб, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, халқаро брендларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан янги лойиҳалар учун 10 йил муддатга, айланма маблағ учун 2 йил муддатга миллий валютада 18 фоиздан кредит ажратилади. Машҳур брендлар буюртмаларини корхоналарга жойлаштирадиган сорсинг компанияларни жалб қилиш харажатининг 50 фоизи қопланади. Бунда ҳар бир брендга 500 миллион сўмгача субсидия берилади.

Эндиликда сўмда экспорт қилган тадбиркорларга ҳам қўшилган қиймат солиғи қайтариб берилиши маълум қилинди.

Йиғилишда чорвачилик, ипакчилик ва балиқчилик тармоқларини қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам белгиланди.

Хусусан, чорва комплекси ташкил қилиш, қорамол олиш, омухта-ем чиқариш учун миллий валютада 17 фоиздан 3 йил имтиёзли давр билан 10 йилга кредит берилади. Чорва хўжаликларини айланма маблағ билан таъминлашга ҳам 1 триллион сўм имтиёзли кредит йўналтирилади. Унинг 18 фоиздан ошган қисми Тадбиркорлик жамғармасидан қоплаб берилади.

Пиллани Вьетнам ва Хитой тажрибаси асосида саноат усулида етиштириш йўлга қўйилади, ўрма тутзорлар барпо этилади. Ипакчилик институти ҳузурида 2 та наслли уруғлик станцияси ишга туширилади.

Тармоқда моддий манфаатдорликни ошириш учун икки босқичда бозор тамойилларига ўтилади. Бу йил биринчи босқичда пилла нархи 25 фоизга оширилади. Аҳолига пилла етиштириш учун субсидия берилади ва пилла етиштирувчилар даромад солиғидан озод қилинади. Иккинчи босқичда, 2025 йилдан нархни давлат белгилаши, кластерларга муайян туман ва фермерлар бириктирилишидан воз кечилади. Пилла фермер билан кластер ўртасида эркин нархда тузиладиган шартнома асосида ёки биржа орқали сотилади.

Дарё бўйларида ва хонадонларда ҳавзалар ўрнатиб, балиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича ҳам вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларнинг ҳисобот ва режалари эшитилди.

**ЎзА.**

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

# ҲУДУДЛАРДАГИ ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИ ЎРГАНИЛМОҚДА









**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Хоразм вилоятида бўлиб, Урганч шаҳрида барпо этилаётган Ал-Хоразмий шаҳарчасидаги қурилиш ишлари сифатини кўздан кечирди.**

Вазир ўринбосари бошчилигидаги мониторинг тадбирларида Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассислари ҳамда қатор соҳа вакиллари иштирок этишди.

Маълумот учун, Ал-Хоразмий мажмуасининг бош лойиҳасига асосан, ҳудудда 133 та кўп қаватли, 5444 та хонадонли уй-жойлар, шундан 16 та 12 қаватли 2409 та хонадонли, 23 та 9 қаватли 1116 та хонадонли, 91 та 5 қаватли 1919 та хонадонга мўлжалланган турар жойлар қурилиши режалаштирилган.

Мажмуадаги қурилиш объектларини кўздан кечириш жараёнида бир қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, қурилиш маданиятига амал қилинмаган, айрим объектларда техника хавфсизлиги талаблари инобатга олинмаган, ишчилар учун махсус формалар жорий этилмаган. Ер ишларини бажаришда ва қурилиш материаллари чиқиндиларидан ҳудудни тозалашда сусткашликка йўл қўйилган. Шунингдек, 5 қаватли турар жойлардан 20 тасида 96 фоиз, 28 тасида 60 фоиз, 9 қаватли турар жойларнинг 11 тасида ўртача 40 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. 12 қаватли турар жойларнинг 1 тасида 56 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 11 тасида лойиҳалаштириш ишлари тугатилиб, қурилиш ишлари дастлабки босқичда.

Айни пайтда "Саёт қурилиш" МЧЖ, "Бўстон ширин мевалар" МЧЖ, "Хива пирнахос қурилиш" ХК, "Бунёдкор" МЧЖ, "Жайхун қурилиш" МЧЖ, "Рам буилдинг" МЧЖ, "Маримбой евро" МЧЖ, "Ирригация темир-бетон" МЧЖ, "Сув-газ монтаж МЧЖ, "Хоразм саноат қурилиш" МЧЖ, "Муҳаммад савдо қурилиш" МЧЖ каби корхоналар томонидан қурилиш-монтаж ишлари 96 фоиздан юқори даражада бажарилган.

Шунингдек, мониторинг ишлари Сирдарё вилоятида ҳам давом этди. Т. Алиматов вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси масъуллари, лойиҳа ташкилотлари ва "Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш республика маркази" ДМнинг ҳудудий вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда давлат дастурларига асосан, 2024-2025 йилларда Сирдарё вилоятида қурилиши режалаштирилган объектларни оптималлаштириш чоралари хусусида сўз борди.



Давлат дастури доирасидаги қурилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқишдан тортиб, қурилиш жараёнида ШНҚ талабларига амал қилиниши устидан қатъий назоратни ўрнатиш, ҳар бир объектни халқимизга кутилганидан сифатли, мустаҳкам ҳамда ўз вақтида топшириш даркорлиги таъкидланди. Жараёнда соҳа вакиллари дуч келаётган масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Сирдарё вилоятига ташриф давомида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Янгиер шаҳрида бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивидаги кўп қаватли уйларнинг сифатини ҳам кўздан кечирди. Ўрганиш ишлари давомида бир қанча камчиликлар аниқланди. Хусусан, қурилиш объектларида қурилиш маданиятига амал қилинмаётгани, ҳандақ (котлован) қазиш ва бетонлаш ишларининг талаб даражасида эмаслиги танқид остига олинди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси масъулларига ушбу камчиликларни бартараф этилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

# БСК вакиллари учун кўргазма

**Тошкент шаҳри прокуратураси ташаббуси билан Чилонзор туманидаги саноат ҳудудида коммунал, хусусан, кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатиш соҳасида зарур бўлган техникалар, сантехника жиҳозлари, турли ўлчамдаги қувурлар, чиқинди идишлари ва бошқа асбоб-ускуналар кўргазмаси ташкил этилди.**

Тадбирда Чилонзор туманида фаолият олиб бораётган 40 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш қилишди. Кўргазмада Тошкент шаҳрининг бир неча туманларидан келган бошқарув ташкилотлари ўз фаолиятларида зарур бўладиган ишлаб чиқариш маҳсулотларини "биринчи қўл"дан анча қулай нархларда сотиб олиши ва доимий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши учун имкон яратилди.

# Мониторинг ишлари давом этмоқда

**Тошкент шаҳри Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича мониторинг ишлари давом этмоқда.**

Сергели тумани "Қурувчилар" даҳасида буюртмачи "Прожест М Буилд" томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биноси ҳудудий инспекциядан рўйхатдан ўтмасдан амалга оширилаётганлиги аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолати юзасидан инспекция мутахассислари томонидан буюртмачига бир неча марта қурилишни тўхтатиш бўйича ёзма кўрсатма берилишига қарамасдан у қурилиш ишларини давом эттирган. Натижада буюртмачига нисбатан "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 99-моддаси 7-қисми билан баённома расмийлаштирилиб, объект ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг рўйхатидан ўтгунга қадар қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№10 (763) 2024 йил 13 февраль

# Иншоотлар қуришда консалтинг маркази қандай ўринга эга?

**Оразбой ШОНАЗАРОВ,** Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг маркази директори.

**Замон ўзгариб, ҳар соҳада истиқболли янгиланишлар ҳаётга кенг татбиқ қилинмоқда. Бу эса барча соҳалар имкониятини кенгайтириб, уларнинг давр талабларига ҳамоҳанг бўлишини ва илғор мамлакатларнинг синалган тажрибаларини ҳаётга татбиқ қилинишини тақозо этаётир. Бу жиҳатдан айниқса, қурилиш ва бунёдкорлик йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассислар зиммасида жуда катта масъулият турибди. Чунки эндиликда қурилаётган ҳар қандай кўринишдаги иншоотлар аввалгилардан тубдан фарқ қилиши баробарида пойдеворидан тортиб, фойдаланишга тўлиқ топширилгунига қадар бажариладиган ишлар сифатли ва мустаҳкам, табиий офатларга чидамли бўлиши лозим.**



Соҳа ривожига йўналтирилган қонунлар туфайли Оролбўйи минтақаси ҳам йил сайин гуллаб-яшнамоқда. Хусусан, тикланаётган ҳар бир бино сифатли ва талаб даражасида бўлишини таъминлашда Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг маркази ҳам ўзига хос ўрин тутмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2022 йил 17 ноябрдаги “Қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат механизмларини такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–425-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 46-сонли қарори талаблари асосида марказимиз томонидан Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ўтказиш платформаси орқали якунланган йилда умумий қиймати 543,6 млрд сўмлик 439 та ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш учун қурилиш-пудрат корхоналарини аниқлаш бўйича тендерлар ўтказилди.

Ушбу тендерларда 1922 та пудрат корхонаси қатнашиб, 516,7 млрд сўмга шартнома тузилди ва асоси бўлмаган маблағларни чиқариб ташлаш ҳисобига 26,9 млрд сўм иқтисод қилинди. Ҳар бир тендер жараёнининг шаффофлиги таъминланиб, ўртача 4 та қурилиш корхонаси иштирок этди. Жумладан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан инвестиция дастури бўйича умумий қиймати 124,0 млрд сўмлик 45 та қурилиш объектида ўтказилган тендер танловларида 118,0 млрд сўмга пудрат шартномалари тузилди ва бунда ҳам асоси бўлмаган 6,0 млрд сўм маблағ тежаб қолинди.

Шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида маҳалла ҳамда овуллар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича ҳам ўтган йили Оролбўйи минтақасида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун умумий қиймати 28,6 млрд сўмга тенг 33 та бунёдкорлик иншоотига мўлжалланган тендер натижасида 27,2 млрд сўмлик шартнома тузилиб, бу жараёнда ҳам 1,4 млрд сўм иқтисод қилинди.

Маълумки, ҳар қайси даврда ҳам кўп квартирали уй-жойларда шаклланган муаммолар кўнгилдагидек ечим топмаган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликларининг бир бутун бўлиб фаолият олиб бораётгани ҳудудда шаклланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда жаҳонда синалган илғор тажрибаларни қўллашга имкон яратмоқда. Шу маънода, Қорақалпоғистон Республикасидаги кўп квартирали турар жойларда яшовчилар учун зарур шароитлар яратиш, таъмирлаш, реконструкция қилиш бўйича тасдиқланган дастурга кўра, умумий қиймати 43,5 млрд сўмлик 57 та қурилиш объектида тендер танловлари ўтказилди. Бу жараёнда 41,3 млрд сўмга пудрат шартномалари тузилди. Йил охирида бажарилган ҳар бир иш ишчи гуруҳи томонидан қабул қилиб олиниб, қўшимча киритилган 2,2 млрд сўм тежалишига эришилди.

Шулар қаторида, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидан 5,5 млрд, “Менинг йўлим” дастуридан 1,8 млрд сўм ва бошқа объектлардан 9,9 млрд сўм асоси бўлмаган маблағлар чиқариб ташланди. 2024 йилда ҳам бу каби ишларни изчил давом эттиришда давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-404-сонли қарори дастуриламал бўлаётир. Унда тасдиқланган инвестиция дастури доирасида қилиниши лозим бўлган ва режага киритилган янгидан бошланувчи 84 та қурилиш иншоотидан умумий қиймати 118,8 млрд сўмлик 31 та қурилиш объекти учун пудрат корхоналарини аниқлаш бўйича Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ўтказиш платформасида тендер танловлари эълон қилинган. Яқин кунларда ғолиблар аниқланиб, бунёдкорлик ишлари бошланади. Бунинг учун барча шароит яратилган.

# Чоштепада янги боғча ишга тушди



**Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, янги ижтимоий объектлар қад ростламоқда.**



Чекка ҳудудларда ҳам “Обод маҳалла” дастури асосида олиб борилаётган ишлар, қишлоқ ва маҳаллаларда яратилаётган қулай шароитларни кўриб кўзингиз қувнайди.

Ана шундай бунёдкорлик ишларидан бирини Ургут туманининг олис чегара ҳудудида жойлашган Чоштепа маҳалласида кўриш мумкин.

Маҳалла ҳудудида “Обод маҳалла” дастури доирасида 60 ўринли 74-сонли мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросимида туман ҳокими Ботир Жабборов, туман секторлари раҳбарлари, масъул ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Туман ҳокими барчани янги МТТ ишга тушгани билан қутлар экан, 74-сонли ДМТТнинг рамзий калитини маҳалла аҳлига топширди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Н. Мардонов.

Маросимда боғча қурилишида иштирок этган ташкилотларнинг моҳир қурувчиларига эсдалик совғалари берилди.

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги йилларда Навоий вилоятининг шаҳар ва туманларида кўплаб турар жой бинолари барпо этилиб, юртимизнинг энг чиройли ҳудудларидан бирига айланаётгани рост гап.**

Жаҳондаги энг машҳур давлатларнинг биноларидан асло қолишмайдиган кўркам дизайн асосида қурилаётган кўп қаватли бинолар қурилиши ва архитектураси ўзига хос кўринишда лойиҳалаштирилгани билан аҳамиятлидир. Энг қувонарлиси, кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида Европа андозалари асосида оилавий ҳордиқ марказлари, шунингдек, болалар учун ўйин аттракционлари ўрнатилмоқда. Бундан ташқари, флора ва фауна майдони, кичик ҳавзали парклар ташкил этилмоқда. Шунингдек, ўзига хос услуб ва меъморий ечимга хос кўринишда бунёд этилаётган кўп қаватли турар-жой биноларининг биринчи қавати ва ертўлаларида ишбилармонлар аҳолига хизмат кўрсатувчи кичик маиший хизмат ва замонавий тиббиёт нуқталари, жумладан, стоматология хонаси, дорихона, мини-банк, сартарошхона, тикув хонаси, фитнес клуб, теннис ва турли ўқув марказларини очиб, фойдаланаётганида ҳам инсон манфаати устуворлигининг гувоҳи бўласиз.

Аҳоли учун ва унга қулай шароит яратиш негизида ҳудудларнинг ободлиги, халқимизнинг турмуш маданиятини юксалтириш мезонлари тургани таҳсинга лойиқ. Бундай қулайлик ва инфратузилманинг яхшиланиши замон руҳига ҳамнафас бўлиб яшаётган ҳар бир инсон қалбида янада ёруғ ниятларни уйғотади. Аммо бир қатор объектларда ҳеч қандай шаҳарсозлик талабларига мос келмайдиган архитектура ва режалаштириш топшириғи ва лойиҳа смета ҳужжатларисиз экспертиза органининг ижобий хулосасисиз қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Навоий шаҳридаги Фаровон маҳалласи, Маҳмуд Таробий кўчаси, 38-“А” уйининг биринчи қавати аҳолига хизмат кўрсатувчи шохобчалар учун мўлжалланган. Мазкур шохобчаларнинг бирида фуқаро Аслиддин Айназаров тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, шу ён-атрофдаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида тикув цехи очмоқчи бўлган. Хонага кириб чиқишни енгиллаштириш мақсадида у ўзбошимчалик билан кўп қаватли уйининг лойиҳасини ўзгартирмоқчи бўлган.

– Эшик жойи ҳаммаси бор, – деди Аслиддин Айназаров. – Эшикни очишим учун менга рухсат ёки шунга амалий ёрдам зарур. Мазкур кўчмас мулк объектини лойиҳа ҳужжатларини тушунмаган ҳолда олган эканман.

– Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқаро лойиҳада белгиланмаган жойдан эшик очмоқчи бўлган, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инпекцияси ходими Сирожиддин Аллаев. – Агар лойиҳада кўрсатилган бўлса, қурувчи томонидан шу ерда эшик ўрнатиб кетилар эди, бироқ лойиҳада бўлмагани сабабли эшик ўрнатилмаган. Бу иш юзасидан фуқарога тушунтириш ишларини олиб бордик. Нотурар объект ҳисоблангани учун кириш қисмидаги умумий мол-мулкка зиён етказилади. Мазкур турар жой биносида 173 хонадон бор, битта подъездда эса 30 та хонадон мавжуд. Ноқонуний қурилиш ишларини бажариш бу ерда яшайдиган аҳолига хавф туғдириб, кўп қаватли турар жойнинг сейсмик даражасига хавф келтиради.

Асосий эшик йўлагидан кириш учун эшик очмоқчи бўлган фуқаронинг ўзбошимча ҳаракати вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан тўхтатилди. Шу аниқланган ҳолат бўйича фуқарога тегишли тартибда мажбурий кўрсатма берилиб, 15 кун муддат ичида жойига қайтариб қўйиш бўйича мажбурият юклатилди.

Маълумки, ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзбошимчалик билан ҳеч қандай шаҳарсозлик ҳужжатларисиз тегишли корхона ва ташкилотлардан рухсат олмасдан ёки Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг рўйхатидан ўтмасдан қурилиш ишларини олиб бориш, лаборатория хулосалари олинмасдан сифатсиз ва сертификатга эга бўлмаган қурилиш материалларидан фойдаланиш ҳолатлари кўпайиб, нохуш вазиятлар содир бўлаётгани сир эмас. Кармана туманидаги Вар маҳалласи ҳудудида тадбиркор Шаҳриддин Фармоновга тегишли бўлган янгидан қад ростлаётган автосалон, яъни машина бозори объекти қурилишида тегишли инспекциядан рўйхатдан ўтмасдан қурилиш-монтаж ишларини олиб борилаётгани аниқланди.

– Мазкур қурилиш объектида фаолият юритаман, – деди қурувчи Завқиддин Турсунов. – Икки қаватли 720 квадрат метрга эга ушбу объектда автомашиналар билан савдо-сотиқ қилишга мўлжалланган бозор қуриляпти. Шаҳарсозлик лойиҳаси асосида қурилишга рухсат олинган. Қурилиш объектининг лойиҳаси тасдиқланган, бироқ вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инпекциясининг рўйхатидан ўтмаган. Шу сабабли, мазкур объект қурилиши вақтинча тўхтаб турибди. Кейинги 3-4 йилларда қурилишда назорат кучайгани сабабли сифат даражаси анча ўзгарган. Шу сабабли ҳам автосалонда ҳамма қулай шароитларимиз мавжуд бўлади, дам олиш учун махсус хоналар ташкил этилади.

Қурилаётган мазкур объект назоратдан четда қолиб тўлиқ қад ростлаганда зилзилага бардошлиги ва мустаҳкамлиги ҳамда сифатли қурилишига ким кафолат берарди? Ахир, бу иншоотда келгусида инсонлар фаолият кўрсатади. Уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун салбий оқибатларга олиб келувчи ҳолатлар учрамайди, деб ким айта олади? Жорий йил туманда бундай ҳолатда қурилаётган иншоотлар афсуски давом этмоқда.

– Кармана тумани мисолида айтадиган бўлсак, 4 та шундай объектлар аниқланган, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси Искандар Ҳайдаров. – Уларга тегишли ёзма кўрсатмалар берилди. Тегишли хулосалар олингандан сўнг улар қурилишларини давом эттиришди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги қарорининг 5-иловасига кўра, инспекциядан рўйхатдан ўтмасдан қурилиш-монтаж ишларини бошлаган нотурар ёки 300 квадрат метрдан катта нотурар объектлар, шунингдек, 500 квадрат метрдан юқори умумий майдони ёки баландлиги 12 метрдан юқори бўлган объектлар инспекциядан рўйхатдан ўтиши шартлиги белгиланган. Инспекциядан рўйхатдан ўтиш талаби бу ерда давлат назорати томонидан амалга оширилади. Давлат назорати остидаги объектларда келгусида инсон ҳаёти ва унинг саломатлиги омиллари ётади. Бинонинг сифат даражаси тегишли график асосида ишонч ҳосил қилингач, қурилиш амалга оширилади. Бундай ўзбошимчалик билан бошланган қурилишлар эгалари “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 99-моддаси 7-қисмига кўра, тегишли жарималар қўлланилиб, ҳар қандай кўринишдаги қурилишлар тегишли тартибда тўхтатилади.



Ўтган йилдаги ҳолатларни сарҳисоб этсак, вилоят бўйича 2023 йилда инспекциядан рўйхатдан ўтмасдан ёки ҳеч қандай шаҳарсозлик ҳужжатларисиз қурилиш-монтаж ишларини бошлаган бир қатор объектлар аниқланиб, уларнинг ҳар бирига қурилишни тўхтатиш юзасидан ёзма кўрсатмалар берилди ва тегишли чоралар қўлланилди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарорининг 5-иловасига асосан ҳар бир тадбиркорлик субъекти қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисида қурилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтиши белгилаб қўйилган, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси Йўлдош Жумаев. – 2023 йилда вилоятда 132 та ўзбошимчалик билан қурилган объектлар аниқланиб, улар тегишли тартибда рўйхатдан ўтмагани сабабли инспекция томонидан эгаларига тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, 61 тасининг иши судга оширилиб, 94 та объект эгаларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди. Ноқонуний қурилишларни тўхтатиш бўйича тадбиркорлик субъектларига ёзма кўрсатмалар берилди, шунга қарамасдан тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзбошимчалик билан қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилгани сабабли тегишли тартибда суд органларига юборилди ҳамда “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 99-моддаси 7-қисми билан чоралар кўрилди.

Кузатишларимизни Хатирчи туманида давом эттирамиз. Ҳудуддаги Новжа маҳалласида аҳолига қулай шароит яратиш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга ҳисса қўшиш мақсадида фуқаро Зокир Бозоров “Касалликларни эрта аниқлаш маркази” ва “Савдо маиший хизмат кўрсатиш” шохобчаси қурмоқчи бўлиб, ўзбошимчалик билан қурилиш ишларини олиб борган.

– Мазкур объектнинг қурилиш ҳужжатларида камчиликларимиз бор, – деди Зокир Бозоров. – Бу борада вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инпекцияси ходимлари келиб, ана шу камчиликлар юзасидан тушунтириш ишларини олиб борди. Ҳозирда камчиликлари бор ҳужжатларнинг тўлдириш ишларини олиб боряпмиз.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳеч қандай шаҳарсозлик ҳужжатларисиз тегишли корхона ва ташкилотлардан ёки инспекциядан рухсат олмасдан қурилиш ишларининг олиб борилиши замирида лаборатория хулосалари олинмаган ва сертификатга эга бўлмаган сифатсиз қурилиш материалларидан фойдаланиш ҳолатлари мавжуд бўлиши мумкин.

Тумандаги Янгиобод маҳалласида яшовчи тадбиркор Муяссар Зиёдов ҳам икки қаватли иншоотни қуришга киришиб, ҳеч қандай рухсатсиз бинонинг учинчи қаватини ҳам барпо этишга улгурган. Икки қаватга мўлжалланган ўлчов бирликлари шунга мослашган бўлишига қарамасдан тадбиркор ўзбошимчалик билан осмонўпар бино қурмоқчи бўлган.

– Қурилишдан мақсад, аҳолига қулайлик яратиш, бинонинг пастки қисминида дўконлар ташкил этмоқчи эдик, – деди Муяссар Зиёдов. – Қурилишни тўхтатилишига сабаб мен учинчи қаватини ноқонуний қурдим. Тўғри, тегишли ташкилотлардан рухсат олмасдан қурилиш ишларини олиб боришим ноқонуний ҳисобланади. Умид қиламанки, қурилиш объекти ҳужжатлари талаб даражасида расмийлаштирилгач ишни давом эттиришга рухсат берилади. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмаган бўлса-да, сифатли қурилиш материалларидан фойдаланганмиз. Бу бинонинг сифатига ҳам таъсир қилади.

Худди шундай билиб-билмай қурилган яна бир ноқонуний объект тумандаги Мустақиллик маҳалласида аниқланган. Кичик саноат зонаси учун ажратилган майдонда фуқаро Аҳмаджон Худойбердиев ўзбошимчалик билан чорва моллари сақланадиган иншоотни қуришга киришган.

– Бу ерда чорва молларини сақлаш учун объект қурмоқчи эдик, – деди Аҳмаджон Худойбердиев. – Мазкур мажмуа қурилишига рухсат олинмаган. Ноқонуний қурилиш бўлгани сабабли жаримага тортилдик.

– Хатирчи тумани мисолида айтадиган бўлсак, жорий йилнинг январь ойида бу ерда назорат инспекциясини хабардор қилмасдан бошланган 3 та ноқонуний қурилиш объектлари аниқланган, – деди Искандар Ҳайдаров. – Ўтган йили Хатирчи туманида 20 га яқин мана шундай ноқонуний қурилишлар аниқланган. Барчасига огоҳлантиришлар берилиб, тегишли жарималарга тортилган. Шундан сўнг қурилишлар тўхтатилиб, инспекциядан рўйхатдан ўтказилган. Барча қурилиш объектлар бўйича техник жиҳатдан инструментал хулосалар ва ижобий хулосалар олингач, қурилишга рухсат берилди. Мазкур ноқонуний қурилишларни тўхтатишдан асосий мақсад аввало инсон қадри. Инсоннинг бу ердаги хавфсизлиги.

Бугун инсон қадри ва манфаатлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янги барпо этилаётган бино ва иншоотларда эса албатта, инсон яшайди ва фаолият юритади. Ўзбошимчалик билан қурилган объектлар эртага инсон ҳаёти ва унинг соғлигига хавф туғдирмайди деб ким кафолат бера олади?

Вазирлар Маҳкамасининг 619-сонли қарорига асосан 2024 йил 1 апрелга қадар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси рўйхатидан ўтмасдан қурилиш-монтаж ишларини бошлаган қурувчилар эгалик ҳуқуқини ололмайдилар. Яъни, кадастр ҳужжатларини амалга ошира олмайдилар. Шунингдек, жорий йил 1 апрелдан бошлаб инспекциядан рўйхатдан ўтмасдан қурилиш-монтаж ишларини олиб борган юридик ва жисмоний шахсларга ўзбошимчалик билан қурилган объекти учун техник хулосалар бериш ҳам тўхтатилади. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан қурилган объектларга нисбатан уларни буздириш юзасидан судга даъво аризалари киритилади. Айни пайтда эса инспекциядан рўйхатдан ўтмасдан қурилиш-монтаж ишларини бошлаган барча тадбиркорлик субъектлари жорий йилнинг 1 апрелига қадар рўйхатдан ўтишлари юзасидан огоҳлантирилмоқда. Зеро, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун. У сифати мустаҳкам уйларда яшашга ҳақли.

# ИНСОНИЙ ТУЙҒУЛАРИМИЗ УЙҒОНМАСА...

## ёхуд ислоҳга муҳтож чиқинди муаммоси



**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ**, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бу йил мустақилликка эришганимизнинг 33-йили ҳам бошланди. Шу йиллар мобайнида ўз йўлимизни, тараққиёт йўналишларимизни бир қадар белгилаб олдик. Дунёда бир мамлакатнинг маънан борлигини исботлаш учун етарли муддат. Шундай эмасми? Аммо баъзи муаммолар, камчиликлар борки, онгимизда асрлардан буён илакишиб юради. Биласиз, сўнгги вақтда Тошкент экологик муаммолар қуршовида қолди. Кимдир сони ортган машиналарни, кимдир кескин ўсиб борган қурилишларни, кимдир ишлаб чиқариш жараёнидаги камчиликларни танқид қилмоқда. Қуйида тўхталадиган мавзумиз ҳам бу жараённинг бир бўлаги, десак адашмаган бўламиз.**

### ХУЛЛАС, ГАП ЧИҚИНДИЛАР ҲАҚИДА

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 августдаги ПҚ-278-сонли “Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида бу йўналишда бир қатор муаммоларга ечим берилган эди.

Аввало, қарорда кўзда тутилган ечим нуқталарини ҳавола қиламиз. 2024 йил 1 январдан бошлаб:

– кўп квартирали уйларни бошқариш органларига агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндиларни (дарахт ва бута шох-шаббалари, барглари) ва кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларни тозалашдан ҳосил бўлган маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларида ёки чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш операторлари билан келишилган махсус жойларда йиғишга рухсат этилади. Бунда:

– мазкур чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўлов қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун белгиланган мажбурий тўловларга қўшилган ҳолда ягона тўлов сифатида ундирилади;

– агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндиларни (дарахт ва бута шох-шаббалари, барглари) ва кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларни тозалашдан ҳосил бўлган чиқиндиларни йиғиш ва маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларига ёки келишилган махсус жойларга етказиш тўлиқ кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан амалга оширилади;

– маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларида ёки келишилган махсус жойларда тўпланган агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар (дарахт ва бута шох-шаббалари, барглари) ва кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларни тозалашдан ҳосил бўлган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш операторлар томонидан кўп квартирали уйларни бошқариш органлари билан келишилган ҳолда режа-график асосида амалга оширилади.

Мазкур қарорнинг эътиборли жиҳати шундаки, эндиликда кўп квартирали уйлар атрофида йиғилиб қолган шох-шаббалар, хазонлар ва бошқа маиший чиқиндилар янги оширилган тарифдаги 7 500 сўмлик тўлов ичида бўлади. Биз жараён ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация тизимини мувофиқаштириш бошқармаси бошлиғи Обиджон Мўминов билан боғланганимизда шундай жавоб берди:

– Айтиш керакки, кўп қаватли уйлар атрофидаги хазонлар ва маиший чиқиндилар масаласи анча йиллардан бери жиддий муаммо эди. БСКлар ташув оператори билан шартнома қилиши, қилганда ҳам унинг неча кунлаб кечикиш масаласи ҳамма учун муаммолигича қолаётганди. Вазирлик ҳолатни чуқур ўрганиб, ўз таклиф ва ташаббусларини тайёрлади ҳамда ушбу қарор қабул қилинишига муносиб ҳиссасини қўша олди. Буни Президентимизнинг соҳага бўлган жиддий эътибори, деб биламан. Эндиликдаги масала қонунларга риоя этилишини таъминлашдан иборат. Бугунги кунда ишни тизимли ташкил этишга бор эътиборимизни қаратяпмиз.

Қарор кучга кирганидан келиб чиқиб, реал вазиятни ўрганишга ҳаракат қилдик. Бу ҳақда Юнусобод туманидаги “Феникс АРТ Сервис” бошқарув сервис компанияси раҳбари Артём Секинаев шундай деди:

– Аввал кўп қаватли уйлар атрофидаги хазонлар, чиқиндилар учун “Махсустранс” ДУК билан шартнома қилишга тўғри келарди. Айнан шу ташувлар учун ойига 10 млн сўмдан кўпроқ тўловларни амалга оширардик. Аммо шундаям бу чиқиндилар вақтида олиб кетилмас, аҳвол илтимосдан ялинишгача, тортишувларгача бориб етарди. Аслида, бу харажатлар юки ҳам яна аҳолининг зиммасига тушарди. Эндиликда аввалгидек чиқиндиларни йиғиб берамиз. “Махсустранс” вакиллари эса маиший чиқиндиларнинг янги тарифи ичида бу ишни бепул бажариши керак. Аммо бу ишни ҳали амалга оширмади. “Машинамиз етмайди”, “Имконимиз йўқ”, каби важлар келтиришяпти. Вазият изга тушишини кутяпмиз.

Юнусобод туманидаги ўрганишларимиз фонида қарор ҳамон амалда таъсирга эга бўлмаганини кузатдик. Буни бир қанча бошқарув сервис компанияси раҳбарлари ҳам тасдиқлади. Жумладан, “Устазода қурилиш” бошқарув сервис компанияси раҳбари Бегимқул Бердиев ҳам вазият ҳақида ўз мулоҳазасини билдирди:

– Президентимиз биз учун кўп енгилликлар беряпти. Айниқса, 278-сонли қарордан жуда ҳам хурсанд бўлгандик. Аммо бу қарор 1 январдан бошлаб кучга кирган бўлса-да, ҳали амалда ҳеч нарса ўзгармади. “Махсустранс” вакиллари “Биз фақат маиший чиқиндиларни ташиймиз, шох-шаббаларни олиб кетиш мажбуриятимизга кирмайди, бундай буйруқ берилмаган”, деб кўп қаватли уйлар атрофидаги чиқиндиларни олиб кетишмаяпти.

Бу ҳолат бўйича “Мумтоз сервис”, “Кафолат таъмир” каби яна бир қатор бошқарув сервис компаниялари вакиллари билан ҳам гаплашдик. Уларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлган. Қарорлар ижросига риоя қилинмаётганидан ранжишмоқда. Шох-шаббаларни олиб кетиш қарорда кўрсатилган. Аммо “Махсустранс” вакиллари “Шох-шаббаларни олиб кетиш вазифамиз эмас, бизга буйруқ бўлмади”, деган гапни қайси мантиққа кўра илгари суришмоқда, ҳайронмиз! Биз бежизга Юнусобод туманини ўрганиш объекти сифатида танламадик. Чунки кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари айнан шу ҳудудда синов тариқасида жорий қилинган.

Вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида “Махсустранс” ДУК корхонаси Матбуот котиби Қозимжон Ҳайдаров билан суҳбатлашдик:

– Тариф оширилишига кўпчилик норозилик билдирди. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Аввалги 4 500 сўмлик тариф 2017 йилда белгиланган. У пайтда 1 литр дизель ёқилғиси нархи 5 200 сўм эди. Ҳозир эса 11 000 сўм. Охирги 3 йил ичида катта иқтисодий юк билан ишладик. Агар нархни бу йил кўтармаганимизда фаолиятимиз ҳам сўроқ остида қоларди. Сиз айтаётган аҳоли билан зиддиятли ҳолатлар кўпинча маҳаллаларда содир бўлади. Музлама пайти тор кўчаларга кира олмаймиз. Шу сабаб кимдир қолиб кетиши ёки машина бузилиши оқибатида белгиланган вақтга нисбатан узилиш бўлади. Бу муаммолар кўпроқ Сағбон кўчаси ва Қўштут маҳалласи кўчаларида тез-тез содир бўлади. Чунки эски уйлар бўлгани учун кўчалар жуда тор. Аммо навбатчи машиналар қўйиб, буни тез орада ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Шуни ҳам айтиш керакки, одамлар кўчаларга чиқиндиларни олиб чиқиб ташлайди. Бу мумкин эмас. Экология ва санитарияга жиддий таъсир кўрсатади. Айниқса, Нурафшон кўчасида бу вазият ёмон аҳволда. Ҳамма кўчага чиқинди йиғиб ташлайверади. Биз эса айрим ҳолатларда бир кунда 7 мартагача кўчани тозалаб чиқишга мажбур бўламиз. Бу машиналарни ортиқча банд қилиб қўяди. Ҳозирда шаҳар бўйлаб “Махсустранс”нинг 439 та автомашинаси ҳаракат қилади. Яна янги машиналар харид қилиш режамизда бор. Худо хоҳласа, апрель ойида Оҳангаронда чиқиндини қайта ишлаш полигони ишга тушади. Бу билан ҳам чиқиндилар таъсиридаги экологик ҳолат анчайин яхшиланади, ҳам иқтисодий томондан фойдали. Яна шуни айтишим мумкинки, кўп қаватли уйлар атрофидаги чиқиндиларни тариф ичида ташишни ҳали ўз зиммамизга олмадик. Бу борада Олий Мажлисга таклиф киритилган. Натижасини кутяпмиз. Яқин вақт ичида барча камчиликларимизни бартараф этамиз.





Биз масалага бир йўла умумий ва холис баҳо бериш учун маҳаллалардаги ҳолатни ҳам ўргандик. Хусусан, Юнусобод туманининг Отчопар маҳалласи Обид Зокиров кўчасидаги ҳолат бўйича ўрганиш олиб борганимизда, бу ерда ҳам узилишлар ва норозиликлар борлиги маълум бўлди. Жумладан, маҳалла фаолларидан бири Шуҳратилло Исломов қуйидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди:

– Мен чиқиндилар бўйича бир йиллик тўловни олдиндан қилиб қўяман. Яқинда “Махсустранс”дагилар чиқиндиларни кейинги сафар олиб кетишини айтишди. Ваҳоланки, мен чиқиндиларни махсус бакларда сақлайман. Лекин нима учун ҳам пул тўлаб, ҳам уйимда ҳафталаб чиқинди сақлашим керак? Ўзи қоида бўйича ҳафтасига икки марта келиши керак. Аммо баъзан ҳафтасига бир марта ҳам келмайдиган ҳолатлар учраб туради. Баъзи кунлари сигнал ҳам чалишмайди, келганини билмай қоламиз.

Шуҳратилло аканинг гапларига маҳалла нуронийси Мирҳосил Собиров ҳам қўшимча қилди:

– Болам, ҳафтасига бир марта мунтазам келиб турса ҳам розимиз. Аммо шу ҳам баъзан йўқ. Фалон соатда келамиз, деб кетади, аммо ўша вақтда ўзлари йўқ, мен шу ёшимда кўчада уларни пойлаб ўтиришим керакми? Чидолмаганимдан баъзи пайтлари болаларнинг машинасига чиқиндиларни солиб юбораман. Бошқа иложим йўқ...

Юқорида Қўштут маҳалласида муаммоли вазиятлар бўлиб турилиши айтилди. Шу боис, бу маҳаллага ҳам ўрганиш учун бордик. Дарҳақиқат, кўчалар анча тор, аммо кириб чиқиш имконияти мавжуд. Маҳаллада яшовчи Эргаш Аҳмадбеков яна бир муаммога диққат қаратишимизни сўради:

– Кўпчилик уйда ўтиради. Вақтида келишса, муаммо йўқ. Нархлар яна ошибди, лекин ўзгаришни кўрмаяпман. Қизиғи, энди чиқиндилар бўйича тўлов ҳисоби электрон тарзда ҳисобланади, дейилганди. Ўтган йили Сергелида яшайдиган ўғлимнинг оиласи мени ҳисобимга туриб қолган. Шу хато сабаб ўғлим ҳам, мен ҳам тўлов қилишимизга тўғри келди. Бир неча бор бордим, аммо фойдаси бўлмади. Бу йил ҳам Бектемирда яшайдиган ўғлимнинг оиласини менга юклаб қўйишибди. Майли, нима ҳам қила олардик. Пулини олишади, талаб қилишади, нархларни кўтаришади. Розиман. Фақат шунга яраша сифатли ва тўғри ишлашса бўлди.

### ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳар икки томоннинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, масалага таҳлилий-танқидий ёндашиб кўрамиз.

**Биринчидан,** “Махсустранс” ДУК вакиллари Президент қарорида кўрсатилган вазифаларни бажармасдан, уни ўзидан соқит қилишга уриниши, 1 январдан кучга кирган қарорни шунча вақтдан бери турли баҳоналар билан бажармай келиши қонун ва қарорларга ҳурматсизлик эмасми?

**Иккинчидан,** бу қарор фақатгина тарифларни кўтариб беришга хизмат қиладими, хизмат кўрсатиш сифатини оширишга тааллуқли эмасми? Вазиятга бир тарафлама, ҳар ким ўз призмасида қарайверса, мамлакатдаги умумий манфаатларга путур етмайдими?

**Учинчидан,** Тошкент шаҳридаги барча маҳаллаларда 2 кунлик қатъий режимга қачондан бошлаб ўтилади? Аслида расман ўтилган бўлса-да, амалда қачон ўз ифодасини топади?

**Тўртинчидан,** эндиликда чиқинди ва бошқа коммунал тўловлар интеграция қилиниши кўзда тутилган. Чиқиндига пул тўламаса, чироғи ҳам ёнмайди дегани. Аммо чиқиндилар вақтида олиб кетилмаслиги учун асосли жарима мавжудми? Тўловлар устидан назорат ўрнатилгач, хизматлар устидан ҳам назорат бўлиши керак эмасми?

**Бешинчидан,** “Махсустранс” ДУК Тошкент шаҳар ҳокимияти таркибида хўжалик ҳисобида ўтирадиган ташкилот сифатида озгина бўлса-да, ташаббускор, тадбиркорлик руҳига эга бўлиши керак эмасми? Нега деганда, биз муаммоларнинг катта қисми иқтисодий томонда эканини инкор қилмаяпмиз. Аммо қачонгача муаммоларни давлатнинг, давлат бюджетининг бўйнига илиб қўяверамиз? Тадбиркорлик, изланувчанлик, пулни пулга урадиган молиявий мустақил ташкилотлар қачон шаклланади бизда? “Махсустранс” ўз ҳисобидаги ердан, гараж ҳудудларидан унумли фойдаланиш йўлларини кўриши вақти келмадимикин? Фақатгина ерларни, гараж ҳудудларини ижарага бериш унумдорликни “нол”га туширади.

**Олтинчидан,** Тошкентда қурилишлар салмоғи кескин ошиб бормоқда. Бундай шароитда қурилиш чиқиндилари тармоғида қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, ҳудудлардаги (Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Андижон, Навоий, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари Қорақалпоғистон Республикаси) 8 та чиқинди кластерлари фаолияти чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиниши керак. Шу асосда чиқиндини қайта ишлашнинг “Тошкент модели”ни ишлаб чиқиш айни муддао бўларди. Жиддий қадамлар ташланмаса, “Махсустранс” фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш қийин бўлади. Тезроқ тизимлашиш, мустақил лойиҳалар сонини ошириш-га, уларни реализация қилишга тайёр туриш керак.

Хуллас, ҳали ечилиши керак бўлган муаммолар кўп. Ҳолатдан келиб чиқиб, хориж тажрибасини ҳам келтириб ўтишга қарор қилдик.

### ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Кўпчилик сайёҳлар **Япония** таассуротларида кўчаларда ахлат йўқлигидан ҳайратга тушганини айтади. Японияда II Жаҳон урушидан кейинги тезкор саноат сабаб чиқиндилар асосий муаммога айланганди. Айниқса, Токиода жуда кўп нарсани ташлаб юборишга тўғри келгач, чиқинди учун полигонларда жой қолмаган. 1990 йиллардаги чиқинди назоратига оид қонунлар чиқинди полигонларига иложи борича камроқ нарса олиб бориш ҳақида эди. Қатъий тартиб сабаб чиқинди ташламаслик ҳам япон маданиятининг бир қисмига айланди. Улар чиқиндини кўчага ташлашни эмас, ўзлари билан олиб кетишни афзал кўришади. Кўчада овқат сотувчиларидан овқат харид қилиб, қоғозини сотувчига қайтариб берсангиз, бу табиий ҳол сифатида қаралади.

Японларнинг уйида ахлат қутилари муҳим ўрин тутади. Ахлатни қайта ишлаш бўйича унча-мунчаси японларнинг олдига тушолмайди. Японияда чиқиндилар ҳафтасига 6 кун ташилади, олти кунда олти хил чиқинди тури сараланган ҳолда олиб кетилади. Агар сиз қоғоз ташиладиган кун бошқа турдаги чиқиндини ҳам қўшиб юборсангиз, қатъий жаримага тортиласиз. Уларнинг контейнерлари хилма-хил чиқиндиларга мослашган. Япониядаги Камикасту шаҳридаги қайта ишлаш воситалари чиқиндиларни 40 турга ажратиш орқали чиримайдиган чиқиндининг 80 фоизини полигонларга ташлашдан сақлаб қоляпти. Ҳар бир шаҳар учун “Gomi guides” деган режа бор. Унда нима, қаерда ва қачон қайта ишланиши ҳақида маълумот берилади. Японлар пластикнинг 77 фоизини қайта ишлайди. Бу – Британияникидан деярли 2 баробар кўп, АҚШдагидан 20 фоиз юқори.

BBC мухбирлари Стив Жон Поуелл ва Анжелес Марин Сабеллонинг Япония кўчалари тозалиги ҳақидаги мақоласи шундай бошланади: “Ўқувчилар 7 та 50 дақиқалик дарс тугагач, уйга кетишга чоғланиб, портфелларини олиб, парталарига ўтиришди. Ўқитувчи эртанги жадвал ҳақида эълон қилишини сабр билан тинглашди. Кейин ҳар кунгидек, ўқитувчининг охирги гапи шундай бўлди: “Бугун 1- ва 2-қаторлар синфни, 3- ва 4-қаторлар даҳлиз ва зинани, 5-қатор ҳожатхонани тозалайди. 5-қатор ўқувчилари орасидан норозиликлар эшитилгач, улар супурги, латталарни олиб ҳожатхона томон кетишди. Бундай воқеа Япониянинг деярли ҳамма жойида ҳар куни такрорланади”. Ижтимоий хабардорлик японларнинг кунлик ҳаётида ҳам акс этади. Эрталабки 8:00 да офис ишчилари ва дўкон ходимлари ўзларининг иш жойи атрофини тозалаб чиқади. Волонтёр болалар ҳар ойда кўчаларни тозалаб, ўз мактаблари атрофидаги ахлатларни йиғиб чиқишади. Қўшнилар ҳам доимий тозалик кунларини ўтказишади. Одамлар банкноталарни бировнинг қўлига бермайди. Масалан, таксига чиққанингизда пул қўйиш учун махсус патнислар бор.

Япон футбол фанатлари ҳам тозалиги билан дунёни ҳайратга солган. 2014 йил Бразилия ва 2018 йил Россиядаги футбол бўйича Жаҳон чемпионатида япон жамоаси мухлислари футболдан кейин қолиб, стадиондан чиқиндиларни териб чиқишган. Ўйинчиларнинг кийиниш хоналари ҳам тоза турган. “Бошқалар бизни ўз атрофини тозалаб юришга ақли ва фаросати етмайди деб ўйлашларини хоҳламаймиз”, – деган Маико Аване. Японлар ҳаттоки прессланган чиқиндидан сунъий орол ҳам қуришган. Токио кўрфазидаги Одаиба сунъий оролида, парклар, саноат корхоналари, аэропорт ва уйлар жойлашган. Бир сўз билан айтганда, японлар ўз идроклари ва интизоми эвазига ақлбовар қилмас ишларга қўл уришда давом этмоқда. Албатта, булар ўзаро ишонч муҳити, қонунлар ижросининг таъминланиши билан ҳам боғлиқ.

Ривожланган Европа давлатларида чиқиндиларни ёқиш ва улардан муқобил энергия манбалари олиш усулидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, **Францияда** қайта ишлашга тўғри келмайдиган чиқиндиларни ёқиш учун 130 га яқин заводлар мавжуд. Ёқиш натижасида ҳосил бўлган куллар йўл қурилишида, мазкур жараёнда ҳосил бўладиган ҳароратдан эса уйларни иссиқлик билан таъминлашда фойдаланилади. Бундай корхоналарнинг аксарияти ер остида жойлашган, улар тутун, бадбўй ҳид тарқатмайдиган технологиялардан фойдаланишади.

**Швеция** чиқинди саноатида энг намунали давлатлардан бири. Чиқинди полигонларига умумий чиқиндиларнинг атиги 1 фоиз қисми келиб тушади. Шведлар 48 фоиз чиқиндини қайта ишлайди, қолганини энергия учун ёқади, яъни 50 фоиздан кўпроқ қисми энергия саноати учун йўналтирилади. Мамлакат чиқиндиларнинг ярми иссиқлик энергиясига айлантирилиши швед иқтисодиёти учун катта фойда келтиради. Бунинг учун WтE заводлари (чиқинди-энергетика, WтE) мавжуд. Швецияда чиқиндиларни энергияга айлантириш дастури 1940 йилда бошланган. Замонавий чиқиндиларни ёқиш заводлари тўлиқ автоматлаштирилган ва бу ишга оз сонли ходимлар жалб қилинади. Чиқиндиларни ёқишнинг ўз тартиб-қоидаси бор. Швецияда чиқиндиларни хомашё сифатида ёқиш учун сертификатланган 32 та иссиқлик заводлари мавжуд. Уларнинг марказлаштирилган иссиқлик энергияси бозоридаги улуши 42 фоизни ташкил қилади. Мамлакатда чиқиндиларни утилизация қилиш деярли 99 фоизни ташкил этади. Қаттиқ маиший чиқиндилар швед хонадонларининг 20 фоиз энергиясини таъминлаб беради. Қўшни мамлакатлар Норвегия ва Ирландия Швецияга арзимаган пулга, деярли текин чиқинди олиб келиб беришади. Чиқинди ташиш машиналари ҳам, заводлар ҳам чиқиндидан олинган энергия ҳисобига ишлайди. Қизиғи, биз кўриб чиққан биронта давлатда ўзга сайёраликлар яшамайди. Шунчаки ўзларини тизимли ҳаётга ўргатишган. Биз каби бутун вақтларини камчиликларни бартараф этишга эмас, айбдорни такрор ва такрор қидиришга сарфлашганида, албатта, юқори натижаларга эриша олмасдилар.

### СЎНГГИ СЎЗ

Муаммомиз – тарқоқлигимиз, бефарқ ва ҳуқуқларимизга ҳурматсизлик қилишимизда. Энг аввалида, ўзимизга ҳурматимиз йўқлигида. Мисол учун, сизнинг чиқинди ташувчи ходимларга ҳурматсизлик қилишингиз, қаердадир яшайдиган яхши одам манфаатига зарар етказиши ҳақида ўйлаганмисиз? Ҳа, ўйламагансиз. Бу дахлдорлик ҳисси дейилади. Афсуски, бизни ўз манфаатимиздан бошқа нарса қизиқтирмай қўйганига анча бўлган.

Ижтимоий ва ҳуқуқий институтлар ўз кучига эга бўлмаса, бир-биримизга берадиган инсоний туйғуларимиз уйғонмаса, кўчаларимиз чиқиндига, танамиз касалликларга, осмонимиз чанг-тўзонга тўлаверади. Қачонки, бизнинг ҳам ўрнак бўла оладиган маданиятимиз, қонун устуворлиги, ижтимоий адолатимиз бўлмаса, ҳеч нарса тузалмайди. Масъуллардан эса фақат бир нарсани, ўз ишларига профессионал ёндашишларини сўраймиз. Фуқароларимизнинг чиқинди ташлаш борасидаги хурмача қилиқлари ҳақида ёзиб ўтишни эп кўрмадик. Эзгу томонларимизга суянмас эканмиз, муаммоли яшашда давом этаверамиз...

Яна бир гап, ўйлаймизки, юқорида кўтарилган мавзуга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар етарли даражада эътибор қаратиб, ўз муносабатини билдиришади...

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№10 (763) 2024 йил 13 февраль

ДАВОМИ. БОШИ 2023 ЙИЛДАГИ 96-, 98-, 99- ВА 2024 ЙИЛНИНГ 1-, 2-, 3-, 4-, 9-СОНЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг
2022 йил 15 июндаги 109-сон буйруғига
ИЛОВА

# ШНҚ 2.05.03-22 "КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАР" ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

174. А240 (А-I), А300 (А-II), Ас300 (Ас-II) ва А400 (А-III) синфлардаги зўриқтирилмайдиган пўлат арматураларнинг сиқилишга ҳисобий қаршиликлари $R_{sc}$ ни, ушбу арматуранинг чўзилишга ҳисобий қаршилиги $R_s$ га баробар деб қабул қилиш керак. Элемент кесимининг сиқилган қисмида жойлашган ва бетон билан жипслашган, зўриқтириладиган арматурадаги конструкцияларни биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатларига ҳисоблашларда фойдаланадиган энг катта ҳисобий сиқувчи кучланиш - $R_{pc}$, 500 MPa (5100 kgk /cm2) бўлиши керак.

### 3-§. Арматуранинг ишлаш шароити коэффициентлари

175. Ҳисоблашларда бевосита кўринмайдиган юклама характери, муҳит таъсири, технологик факторлар ва ишлаш шароитларини, арматуранинг мустаҳкамлик ва деформацион тавсифларини ҳисоблашда бевосита унинг ишлаш шароити коэффициентлари орқали инобатга олиниши керак.

Арматурани чидамлиликка ҳисоблашда (темир йўл ва метрополитен учун алоҳида ажратиб қуриладиган кўприкларда), пўлат арматуранинг зўриқтирилмайдигани учун $R_{sf}$ ва зўриқтириладигани учун $R_{pf}$ бўлган чўзилишдаги ҳисобий қаршиликларини қуйидаги формулалар билан аниқлаш керак:

$$R_{sf} = m_{as1} R_s = \varepsilon_{ps}\, \beta_{pw}\, R_s , \qquad (47)$$
$$R_{rpn} = m_{as1} R_s = \varepsilon_{pp}\, \beta_{pw}\, R_p , \qquad (48)$$

бу ерда, $m_{as1}$, $m_{ap1}$ – кўп марта такрорланувчи юкламанинг таъсирини ҳисобга олувчи арматуранинг ишлаш шароити коэффициентлари;

$R_s$, $R_p$ – пўлат арматуранинг юқоридаги 31-жадвалдан олинадиган чўзилишга ҳисобий қаршиликлари;

$\varepsilon_{ps}$, $\varepsilon_{pp}$ – қуйидаги 32-жадвалда келтирилган, арматурадаги кучланиш ўзгаришининг цикл ассиметрияси $\rho = \sigma_{min} / \sigma_{max}$ га боғлиқ коэффициентлар;

$\beta_{pw}$ – қуйидаги 32-жадвалда келтирилган, арматура элементларининг ишлаш шароитига, уларга пайвандлаб бириктирилган бошқа элементлар ёки пайвандлаб уланган жойлар мавжудлигини ҳисобга олувчи коэффициент.

**32-жадвал.**

| Қўлланиладиган пўлат арматуранинг синфи (турлари ёки хусусиятлари) | $\rho$ даги $\varepsilon_{ps}$ ва $\varepsilon_{pp}$ коэффициентларнинг қийматлари | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | -1 | -0,5 | -0,2 | -0,1 | 0 | 0,1 | 0,2 | 0,3 | 0,35 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| $\varepsilon_{ps}$ коэффициенти | | | | | | | | | |
| А240 (А-I) | 0,48 | 0,61 | 0,72 | 0,77 | 0,81 | 0,85 | 0,89 | 0,97 | 1 |
| А300 (А-II) | 0,40 | 0,50 | 0,60 | 0,63 | 0,67 | 0,70 | 0,74 | 0,81 | 0,83 |
| Ас300 (Ас-II) | - | - | 0,67 | 0,71 | 0,75 | 0,78 | 0,82 | 0,86 | 0,88 |
| А400 (А-III) | 0,32 | 0,40 | 0,48 | 0,51 | 0,54 | 0,57 | 0,59 | 0,65 | 0,67 |
| | $\varepsilon_{pp}$ коэффициенти | | | | | | | | |
| А600 (А-IV) (уланмаган ёки механик тозаланиб, контактли пайвандлаб уланган) | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| В ёки ундан қилинган ўрамли | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Вр ёки ундан қилинган ўрамли | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| К-7 | - | - | - | - | - | - | - | - | - |

**32-жадвал якуни**

| Қўлланиладиган пўлат арматуранинг синфи (турлари ёки хусусиятлари) | $\rho$ даги $\varepsilon_{ps}$ ва $\varepsilon_{pp}$ коэффициентларнинг қийматлари | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 0,4 | 0,5 | 0,6 | 0,7 | 0,75 | 0,8 | 0,85 | 0,9 | 1 |
| 1 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| $\varepsilon_{ps}$ коэффициенти | | | | | | | | | |
| А240 (А-I) | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| А300 (А-II) | 0,87 | 0,94 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Ас300 (Ас-II) | 0,90 | 0,92 | 0,94 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| А400 (А-III) | 0,70 | 0,75 | 0,81 | 0,90 | 0,95 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| $\varepsilon_{pp}$ коэффициенти | | | | | | | | | |
| А600 (А-IV) (уланмаган ёки механик тозаланиб, кон-тактли пай-вандлаб уланган) | 0,38 | 0,49 | 0,70 | 0,78 | 0,85 | 0,91 | 0,94 | 0,96 | 1 |
| В ёки ундан қилинган ўрамли | - | - | - | - | 0,85 | 0,97 | 1 | 1 | 1 |
| Вр ёки ундан қилинган ўрамли | - | - | - | - | 0,78 | 0,82 | 0,87 | 0,91 | 1 |
| К-7 | - | - | - | - | 0,78 | 0,84 | 0,95 | 1 | 1 |

Изоҳлар: Бурама ёки қўшалоқ эшилган ва ёпиқ пўлат арқонлар учун ρ≥85 бўлганида $\varepsilon_{pp}$ коэффициентини бирга тенг деб қабул қилиш рухсат этилади.

$\rho < 85 <$ бўлганда осма, вантли ва олдиндан зўриқтирилган пўлат оралиқ қурилмаларнинг арқонларини чидамлиликка ҳисоблашга тегишли мазкур ШНҚнинг 380-бандига мувофиқ белгилаш керак.

$\rho$ нинг оралиқлардаги қийматлари учун εps ва εpp коэффициентларини интерполяция қилиб аниқлаш керак.

**33-жадвал.**

| Пайвандланган бирикма тури | Цикл ассиметрияси коэффициенти цикла ρ | Қуйидаги синфлардаги пўлат арматуралар бўлганида диаметри 32 mm ва ундан кичик стерженлар учун $\beta_{pw}$ коэффициенти | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | А240 (А-I) | А300 (А-II), Ас300 (Ас-II) | А400 (А-III) | А600 (А-IV) |
| Контактли пайвандланган (тозаламасдан) | 0<br>0,2<br>0,4<br>0,7<br>0,8<br>0,9 | 0,75<br>0,85<br>1<br>1<br>1<br>1 | 0,65<br>0,70<br>0,80<br>0,90<br>1<br>1 | 0,60<br>0,65<br>0,75<br>0,75<br>0,75<br>0,85 | -<br>-<br>0,75<br>0,75<br>0,80<br>0,90 |
| Узайтирилган қатламлар подкладка қўйилиб ванна усулида пайвандланган | 0<br>0,2<br>0,4<br>0,7<br>0,8<br>0,9 | 0,75<br>0,80<br>0,90<br>0,90<br>1<br>1 | 0,65<br>0,70<br>0,80<br>0,90<br>1<br>1 | 0,60<br>0,65<br>0,75<br>0,75<br>0,75<br>0,85 | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- |
| Ўзаро кесишадиган нуқтада контактлаб пайвандлаш ва бошқа стерженларни ёнига пайвандлаш, жуфт аралаш ёпишмаларда пайвандлаш | 0<br>0,2<br>0,4<br>0,7<br>0,8<br>0,9 | 0,65<br>0,70<br>0,75<br>0,90<br>1<br>1 | 0,65<br>0,70<br>0,75<br>0,90<br>1<br>1 | 0,60<br>0,65<br>0,65<br>0,70<br>0,75<br>0,85 | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- |

Изоҳлар: 1. Чўзилаётган арматура стержени диаметри 32 mm дан катта бўлганида $\beta_{pw}$ қийматларини 5 % га камайтириш керак.

2. ρ < 0 бўлганида, $\beta_{pw}$ қийматини ρ< 0 бўлгандаги қийматдагидек қабул қилиш керак.

3. Стерженлардаги пайвандлаб уланган жойлари контакт усулида бажарилиб, кейин бўйламасига тозаланган А600 (А-IV)синфдаги чўзилаётган пўлат арматуралар учун $\beta_{pw}$ =1 деб қабул этиш керак.

4. $\rho$ нинг оралиқлардаги қийматларида $\beta_{pw}$ ни интерполяция қилиб аниқлаш керак.

176. Қия кесимлардаги чўзилган кўндаланг арматурани (хомутлар ва букилган стерженларни) кўндаланг куч таъсирига ҳисоблашда пўлат арматуранинг юқоридаги 31-жадвалда кўрсатилган чўзилишга ҳисобий қаршиликларига қуйидаги ишлаш шароити коэффициентлари киритилади:

стержень арматуралар учун – $m_{a4}$ =0,8;

юқори мустаҳкамликдаги симдан қилинган арматура, К-7 синфдаги арматура арқонлар ва бурамали, қўшалоқ ва ёпилган пўлат арқонлар учун $m_{a4}$ =0,7 қийматдаги.

А400 (А-III) синфига пўлат арматурадан қилинадиган пайвандланган каркаслардаги хомутларнинг диаметри бўйлама стерженларнинг диаметрининг 1/3 дан кам бўлганида кўндаланг кучга ҳисоблашдаги хомутлардаги инобатга олинадиган кучланишлар қуйидаги қийматлардан ошмаслиги керак, Мпа (kgk /cm2):

хомутлар диаметри 6 m ва 8 mm бўлганида 245 (2500) дан;

хомутлар диаметри 10 mm ва ундан катта бўлганида 255 (2600) дан.

177. Бўйламасига механик тозаламасдан конструкцияли пайвандлаш билан бажариладиган уланган жойларни ва силжитилган жуфт қатламлар қўйиб уланган жойларни қўллаганда, А600 (А-IV) ва А800 (А-V) синфлардаги пўлат арматуралар учун юқоридаги 31-жадвалда кўрсатилган чўзилишга ҳисобий қаршиликларга арматуранинг $m_{a4}$ = 0,9 бўлган ишлаш шароити коэффициенти киритилади. А240 (А-I), А300 (А-II), Ас300 (Ас-II) ва А400 (А-III) синфлардаги пўлат арматуралар учун контакт пайвандлаш билан узайтирилган халта тагликлар, силжитилган жуфт ёпишмалар қўйиб, ванна усулида бажарилган уланган жойлар бўлганида, чўзилишга ҳисобий қаршиликларни, уланган жойлари йўқ бўлган пўлат арматураларникидек бажариш керак.

Эгиладиган конструкциялардаги чўзилган арматурани мустаҳкамликка ҳисоблашда, эгилувчи элементнинг чўзилаётган қиррасидан кесимнинг чўзилган зонаси баландлигининг 1/5 қисмидан катта масофада жойлашган арматура элементлари учун (алоҳида стерженлар, ўрамлар, арқонлар) пўлат арматуранинг юқоридаги 31-жадвалдаги чўзилишга ҳисобий қаршиликларга арматуранинг ишлаш шароити коэффициентини қуйидаги қийматда киритмоқ керак:

$$m_{a6} = 1,1 - 0,5\ (a / h - x) \ \le 1, \qquad (49)$$

бу ерда, $h - x$ – кесимнинг чўзилган зонаси (қисмининг) баландлиги;

$a \ge 1/5(h - x)$ кесимнинг чўзилган қисмининг чеккадаги қиррасидан чўзилган арматура элементи ўқигача бўлган масофа.

178. Конструкцияни олдиндан зўриқтириш ва уни монтаж қилиш босқичларидаги ҳисоблашларда пўлат арматуранинг ҳисобий қаршиликларини қуйидаги қийматларга тенг бўлган ишлаш шароити коэффициенти билан қабул қилиш керак:

стерженли пўлат арматура ва юқори мустаҳкамликдаги симлардан қилинган арматура элементлари учун – 1,10;

К-7 синфдаги арматура арқонлар ва бурамали ва қўшалоқ ўрилган ва ёпиқ пўлат арқонлар учун –1,05.

179. Бурама ёки қўшалоқ эшилган пўлат арқонларни диаметри D, 24d дан кичик бўлган (d – арқон диаметри) яримайлана ҳисоблашларда арқонларнинг чўзилишга ҳисобий қаршиликларига, D/d нисбат 8 дан 24 гача бўлганда қуйидаги формула билан аниқлашга рухсат этиладиган арқонларнинг ишлаш шароити коэффициенти $m_{a10}$ киритилиши зарур:

$$m_{a10} = 0,7 + 0,0125(D/d) \ \le 1 \qquad ; (50)$$

Диаметри D, 8d дан кичик бўлган блок атрофида букилганда, арқонларнинг ишлаш шароити коэффициентини тажрибада текширишлар натижасига биноан белгилаш керак.

180. Диаметри 5 mm, юқори мустаҳкамликдаги рухланган В-II синфдаги силлиқ симни мустаҳкамликка ҳисоблашларда симнинг юқоридаги 31-жадвалдан олинадиган чўзилишга ҳисобий қаршиликларига қуйидагиларга тенг бўлган арматуранинг ишлаш шароити коэффициенти ma11 ни киритиш керак:

ўртача тажовузкор муҳит шароитига жавоб берадиган қилиб С гуруҳи бўйича симни рухлаганда - 0,94;

жиддий тажовузкор муҳит шароитига жавоб берадиган этиб Ж гуруҳи бўйича симни рухлаганда - 0,88.

### 4-§. Пўлат буюмлар учун ҳисобий тавсифлар

181. Темир-бетон кўприклар ва қувурларнинг алоҳида конструктив қисмидан иборат бўладиган пўлат буюмлар (таянчлар, деформация чоклари ва шарнирлар элементлари, тираш ускуналари ва ҳ. к.) учун юпқа листли ва фасонли прокатлардан тайёрланиб қўйиладиган пўлат буюмлар учун ҳисобий қаршиликларни кўприкларнинг пўлат конструкциялари элементларидагидек қабул этиш керак.

Бетоннинг ичида анкерланадиган стерженли арматуралар учун ҳисобий қаршиликларни арматураларга тегишли кўрсатмаларга биноан қабул этиш керак.

### 5-§. Арматуранинг деформатив хусусиятларининг тавсифлари ва эластик модулларининг нисбати

182. Арматуранинг асосий деформацион тавсифлари қуйидагилардан иборат:

кучланишнинг норматив қийматларига эришилганда арматуранинг нисбий чўзилиш деформацияси;

арматуранинг эластиклик модули;

физик чегаравий оқувчанликка эга бўлган арматура учун нисбий чўзилиш деформациясининг норматив қийматини унинг норматив қаршилиги ва эластиклик модули қиймати учун тўғри келган эластиклик деформацияси орқали аниқланади.

Шартли оқиш чегарасига эга бўлган арматура учун арматура чўзилишининг норматив нисбий деформацияси шартли оқиш чегараси кучланишидаги 0,2 фоизга тенг бўлган унинг қолдиқ чўзилиши ва эластиклик нисбий чўзилишларининг йиғиндисига тенг қилиб олинади.

Арматуранинг норматив эластиклик модули чўзилишда ва сиқилишда бир хил қилиб олинади ва унинг тури ва синфига қараб ўрнатилади. Арматура эластиклик модулининг қийматларини қуйидаги 34-жадвалдан олиш керак. Зарур бўлган ҳолларда эластиклик модулининг қиймати назорат синови натижалари орқали белгиланади.

**34-жадвал.**

| Пўлат арматура синфи (тури) | Арматуранинг эластиклик модули, МПа (kgk /cm2)да, | |
|---|---|---|
| | $E_s$ зўриқтирилмайдиган | $E_p$ зўриқтирилган |
| А240 (А-I), А300 (А-II), Ас300 (Ас-II) | 2,06×105(2,1×106) | - |
| А400 (А-III) | 1,96×105(2,0×106) | - |
| А600 (А-IV), Ат600 (Ат-IV), А800 (А-V) | - | 1,86×105(1,9×106) |
| Ат1000 (Ат-V), Ат1000 (Ат-VI) | - | 1,86×105(1,9×106) |
| В, ВрI синфлардаги параллел симлар | - | 1,96×105(2,0×106) |
| В-II ва Вр-II синфлардаги параллел симлардан қилинган ўрамлар . | - | 1,77×105(1,8×106) |
| арқон арматуралар синфи К-7 | | 1,77×105(1,8×106) |
| К-7 арқон арматуралардан қилинган ўрамлар | - | 1,67×105(1,7×106) |
| Пўлат арқонлар: | - | |
| Бурама ва қўшалоқ эшилган | - | 1,67×105(1,7×106) |
| ёпиқ | - | 1,57×105(1,6×106) |

183. Зўриқтирилмаган арматурали кўприкларни чидамлилик ва ёрилишга пишиқликка ҳисоблашлардан ташқари, кўприклар элементларини эластик жисмлар ҳисоби формулаларига биноан бажариладиган қолган барча ҳисоблашларда, арматуралар учун юқоридаги 34-жадвалда ва бетонлар учун мазкур ШНҚнинг 29-жадвалида келтирилган эластиклик модулларининг қийматларига биноан аниқланадиган модуллар нисбатлари $n_1$ ($Es/Eb$ ёки $Ep/Eb$) дан фойдаланиш керак.

Зўриқтирилмаган арматурали кўприк элементларини чидамлиликка ва ёрилишга пишиқликка ҳисоблашларда кучланишларни, келтирилган кесимнинг геометрик тавсифларини аниқлашда арматура кесими майдони, бетоннинг титрашда оқишини инобатга олувчи эластиклик модуллар нисбатлари коэффициенти $n'$ билан ҳисобга олинади. $n'$ ни, бетоннинг синфларига кўра қуйидагича қабул қилиш керак:

В20 ........................................ 22,5
В22,5 ва В25 ........................... 20
В27,5....................................... 17
В30 ва В35 .............................. 15
В40 ва ундан юқори.................. 10

## 22-БОБ. КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАРНИ БИРИНЧИ ГУРУҲ ЧЕГАРАВИЙ ҲОЛАТЛАРИГА ҲАМДА МУСТАҲКАМЛИККА ҲИСОБЛАШ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1-§. Элемент бўйлама ўқига нормал кесимларни мустаҳкамликка ҳисоблаш

184. Кўприклар ва қувурларнинг бетон ва темир-бетон элементларини ҳисоблашни чегаравий қийматлари билан таққослаган ҳолда бажариш керак.

Конструкцияларда эгиладиган, марказий ва номарказий чўзиладиган бетон элементларини қўллаш мумкин эмас.

185. Статик ноаниқ конструкциялардаги ҳисобий зўриқишлари, бетоннинг ўтириши ва оқишини сунъий равишда тартиблаштириш, ёриқ ҳосил бўлиши ва олдиндан зўриқтиришлар оқибатида зўриқишнинг катта тақсимланишларини ҳисобга олиш зарур. Ушбу саналган юкламалар ва таъсирларнинг норматив қийматларидан топилган зўриқишларнинг умумий қийматига 1,1 (ёки 0,9) га тенг бўлган ишончлилик коэффициентлари киритилади.

186. Конструкция элементларидаги зўриқишларнинг чегаравий қийматларини элемент бўйлама ўқига нормал ва қия кесимларида аниқлаш керак.

187. Бетон ва темир-бетон элементларни сиқувчи бўйлама куч $N$ таъсирига ҳисоблашда мустаҳкамликка ва устуворликка ҳисоблашлардаги олинган қийматларнинг кам миқдордагисини зўриқишнинг ҳисобий қиймати тариқасида қабул қилиш керак. Мустаҳкамликка ҳисоблашда тасодифий эксцентриситет $e_{c,cn}$ = 1/400 10 ни инобатга олиш керак (I0–элементнинг геометрик узунлиги ёки унинг маҳкамланган нуқталарининг орасидаги қисми мазкур ШНҚнинг 153-банди бўйича).

Статик аниқ конструкцияларнинг элементларида эксцентриситет $e_c$ (келтирилган кесимнинг оғирлик марказига нисбатан) конструкцияни статик ҳисоблашдан аниқланадиган эксцентриситет билан тасодифий эксцентриситет $e_{c,cn}$ ларининг йиғиндиси сифатида топилади.

Статик ноаниқ конструкция элементлари учун бўйлама кучнинг келтирилган кесим оғирлик марказига нисбатининг эксцентриситет $e_c$ қиймати, статик ҳисоблашда олинган эксцентриситетга баробар, аммо $e_{c,cn}$ - дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

188. Тўғри бурчакли, тавр ва қўштавр шаклидаги, қутисимон кесимли, сиқилган, номарказий сиқилган бетон ва темир-бетон элементларни мустаҳкамликка ва устуворликка ҳисоблаш, $e_c = M / N$ эксцентриситет қийматига боғлиқ ҳолда қуйидаги 35-жадвалга мувофиқ бажарилади.

**35-жадвал.**

| Ҳисоблаш тури | Конструкциялар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Бетон | | Темир-бетон | |
| | Куйидагича эксцентриситетларда, ҳисоблашларни бажаришда риоя қилиниши зарур бўлган бандларнинг қатор тартибдаги рақамлари | | | |
| | $e_c \le r$ | $e_c > r$ | $e_c \le r$ | $e_c > r$ |
| Мустаҳкамликка | 3.68<br>3.54 | 3.68<br>3.54 | 3.69,6<br>– | 3.70<br>3.54 |
| Устуворликка | 3.66<br>3.55 | –<br>– | 3.69,а<br>3.55 | –<br>– |

Изоҳ. $r$ – ядро масофаси.

Бошланғич ҳисобий эксцентриситети ес > r бўлган сиқилган элементларни номарказий сиқилишга ҳисоблаш керак.

Эгилишнинг номарказий сиқилган элементнинг ҳисобий зўриқишининг кўпайишига таъсирини деформацияланмаслик схемасига ҳисоблашда эксцентриситет ес ни мазкур ШНҚнинг 189-бандига биноан аниқланадиган n коэффициентига кўпайтириш йўли билан ҳисобга олиш керак.

Устуворликка ҳисоблашда, $e_c \le$ r бўйлама эгилиш коэффициенти $(\varphi)$ ни мазкур ШНҚнинг 190-бандига мувофиқ қабул қилиш керак.

189. Мустаҳкамликка эгилишдаги кўчишининг (эгилишликка) таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент $n$ қуйидаги формула билан аниқланади:

$$n = 1 / ( 1 - N / N_{cr} ); \qquad (51)$$

бу ерда, – $N_{cr}$ қуйидаги формулалар билан аниқланадиган шартли критик куч:

*бетон элементлар учун*

$$N_{cr} = \frac{6,4\, E_b I_b}{\varphi_l\, i_0^2} \left( \frac{0,11}{0,1 + \delta} + 0,1 \right); \qquad (52)$$

темир-бетон элементлар учун

$$N_{cr} = \frac{6,4\, E_b}{i_0^2} \left[ \frac{I_b}{\varphi_l} \left( \frac{0,11}{0,11 + \delta/\varphi_p} +, \right) + n_1 I_0 \right]; \qquad (53)$$

бу ерда, – $I_b$ бетондаги ёриқларни ҳисобга олмасдан аниқланадиган бетон кесими майдонининг инерция моменти;

$I_s$ – зўриқтирилмайдиган ва зўриқтириладиган арматуралар кесимлари майдонларининг инерция моментлари;

Инерция моментлари келтирилган кесимларнинг оғирлик маркази орқали ўтадиган ўқларига нисбатан аниқланади. (52) ва (53) формулалардаги $\varphi_l$ ва $\varphi_p$ лар билан эгилишликка, тегишли юкламанинг узоқ муддатли таъсир кўрсатишининг, арматурани олдиндан зўриқтиришнинг ва эксцентриситетнинг нисбий қийматининг таъсирлари ҳисобга олинади. $\varphi_l$ коэффициентининг қийматини қуйидагига тенг деб қабул этиш керак:

$$\varphi_l \varphi_l = 1 + M_l / M$$

бу ерда, – $M_l$ доимий юкламалардан бўладиган момент; $M$ – доимий ва вақтинчалик юкламалардан бўладиган норматив куч $N$ ни, $N$ кучининг жойлашган нуқтасидан энг кўп чўзилган стерженгача (бетон элементлар учун кесимнинг энг кўп чўзилган қиррасигача) ёки энг кам сиқилган стержень ёки қиррагача (тўлиқ сиқилган кесим бўлганида) бўлган масофага кўпайтириб топилган қийматга тенг момент. $\delta$ коэффициентининг қийматини ес/h га баробар деб қабул қилиш керак, лекин у, қуйидаги формула билан аниқланадиган миқдордан кам бўлмаслиги керак:

$$\delta_{min} = 0,5 - 0,01\ (l_0 / h) - 0,01\ R_b , \qquad (54)$$

бу ерда, $R_b$ – бетоннинг ҳисобий қаршилиги, MPa да;

$l_0$ – элементнинг ҳисобий узунлиги, m, да.

Тўла юкламадан ва доимий юкламадан ҳосил бўладиган моментлар (эксцентриситетлар) ҳар хил ва бир-биридан фарқ қиладиган ишорали бўлганларида тўла юклама эксцентриситетининг қиймати $e_c \ge 0,1h$ да $\varphi_l = 1,0$; $e_c < 0,1h$ да эса $\varphi_l = 1,05$ деб қабул қилиниши керак.

Арматурани олдиндан зўриқтиришнинг элемент бикрлигига таъсирини ҳисобга олувчи $\varphi_p$ коэффициентининг қийматини қуйидаги формула билан аниқлаш керак:

$$\varphi_p = 1 + 12( \sigma_{bp} / R_b) \times e_c / h ; \qquad (55)$$

бу ерда, $\sigma_{bp}$ – бўйлама арматуранинг оғирлик маркази сатҳидаги мазкур ШНҚнинг 8-иловасига биноан барча йўқолишларни ҳисобга олгандаги, олдиндан зўриқтиришдан бўладиган бетондаги кучланиш. Ҳалқасимон ва юмалоқ кесимлар учун h=D бўлади. (15) формуладаги ҳисобий қаршилик $R_b$, бетоннинг ишлаш шароити коэффициентларини ҳисобга олмасдан қабул қилинади (ес/h қиймати эса 1,5 дан ошмаслиги керак).

Сиқилган темир-бетон элементлар, қуйидаги шартни таъминлай оладиган шароитдаги тавсифларга эга бўлиши зарур.

$$N/N_{cr} \le 0,7 ; \qquad (56)$$

Элементларни, номарказий қўйилган юклама таъсиридан эгилиш текислигига перпендикуляр йўналишда номарказий сиқилишга ҳисоблашда тасодифий эксцентриситет қийматини инобатга олиш керак.

Сурилмайдиган таянчга ёки мажбуран деформацияланишдан бир хил кўчадиган (масалан, ҳарорат таъсиридан узайишларда) таянчларга эга бўлган темир-бетон элементлар учун $n$ коэффициенти қийматларини қуйидагича қабул этиш керак:

элемент узунлигининг ўртадаги учдан бир қисмидаги кесимлари учун (10) формула билан;

элемент узунлигининг чеккадаги учдан бир қисмидаги кесимлар учун таянчдаги кесимлар учун бирга тенг бўлган қиймат билан ўртадаги учдан бир қисм учун ҳисоблаган қийматларнинг оралиғида интерполяция қилиш йўли билан.

190. Сиқилган ($e_c = 0$) ва эксцентриситет $e_c \le 1$ номарказий сиқиладиган элементларни ҳисоблашларда бўйлама эгилиш коэффициентини қуйидаги формула билан аниқлаш керак:

$$\varphi - \frac{\varphi_m}{\frac{N_l}{N} + \frac{\varphi_m}{\varphi_l} + \frac{N_m}{N}} ; \qquad (57)$$

бу ерда, – вақтинчалик юклама таъсирини ҳисобга олувчи бўйлама эгилиш коэффициенти;

$\varphi_l$ – доимий юкламалар таъсирини ҳисобга олувчи бўйлама эгилиш коэффициенти;

$N_l$ – доимий юкламаларда бўладиган, зўриқтириладиган, бетон билан жипслашмаган арматурадаги зўриқишни ҳам ҳисобга олгандаги ҳисобий бўйлама зўриқиш;

$N_m$ – вақтинчалик юкламадан бўладиган ҳисобий бўйлама зўриқиш; $N = N_l + N_m$ – тўла ҳисобий бўйлама зўриқиш.

Мазкур ШНҚнинг 187-бандига биноан тасодифий эксцентриситетлар қийматларини ҳисоблашларда инобатга олинган $\varphi_m$ ва $\varphi_l$ – коэффициентларининг қийматини темир-бетон элементлар учун қуйидаги 36-жадвалдан, бетон элементлар учун эса қуйидаги 37-жадвалдан олиш керак.

ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№10 (763) 2024 йил 13 февраль



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

# Камчиликларга ечим топаётган жамоа

**Ҳамза ШУКУРОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, қатор муаммоларга барҳам берилмоқда. Жойларда ташкил этилган бошқарув сервис компаниялари ҳам камчиликларга ечим топиб, одамлар турмуш шароитини яхшилаш, аҳолига намунали хизмат кўрсатишга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, Пастдарғом туманида иш бошлаган "Пастдарғом коммуналчи" МЧЖ жамоаси ишчи-хизматчиларининг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир.**



Ишбилармон, қалби шижоатга тўла Шерзоджон Амонов бошчилигидаги ташкилот айни пайтда тумандаги мавжуд 94 та кўп қаватли уй-жой фаолиятини юритишга астойдил ҳисса қўшаётир. Шу боисдан эски, анча йил олдин қурилган уйларда яшаётган аҳоли коммуналчилар шаънига илиқ сўзлар билдиришмоқда.

Чунки яқинда очилган компания аллақачон тумандаги 50 дан зиёд хонадонлар муаммосини ҳал этишга улгуришди. Уйлар томини янгилаш, йўлакларга эшиклар ўрнатиш, эшик-деразаларини янгисига алмаштириш сув, газ, электр, канализация билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш туфайли ходимлар шундай ҳурматга сазовор бўляпти.

– Фаолиятимизни 2022 йилда бошлаган эдик, – деди мазкур БСК раҳбари Шерзод Амонов. – Қисқа фурсатда кўрсатилаётган намунали хизмат туфайли одамлар ишончини қозонишга улгурдик. Айниқса, Жума, Гўзалкент ва Чархин маҳаллаларидаги аҳолининг хурсандлиги чексиз. Улар истиқомат қилаётган мингга яқин хонадон капитал таъмирдан чиқарилиши билан бирга атрофи ободонлаштирилди. Шунингдек, болалар ўйингоҳлари, чиқиндихоналар ташкил этилди. Айни пайтда эса Мирзо Улуғбек маҳалласида янгидан қад ростлаган тўртта уйга ҳам хизмат кўрсатишга киришдик. Сифатга жиддий аҳамият қаратаётганимиз ютуқларнинг асосий омили, дейиш мумкин.

Айтиш жоизки, ташаббускор йигит Катта Найман маҳалласида туғилиб ўсган. Самарқанд саноат техникумини тугатгандан сўнг, шаҳардаги қатор уй-жой мулкдорлари ширкатларида ишлаб, катта тажриба орттирган. Унинг билим ва малакаси бугун кўпчиликка асқатаётганлиги эътиборлидир.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

# Таълим муассасалари фойдаланишга топширилди

**Орифжон ИСМОИЛОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бағдод тумани марказидан 15 километр узоқликда жойлашган Навбаҳор қишлоғида янги 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти биноси фойдаланишга топширилди.**

Эътиборлиси, смета баҳоси 5,5 млрд сўмга баҳоланган ушбу муассаса инвестицион дастурларсиз, қишлоқ аҳолисининг ҳамжиҳатлиги, ташаббускорлиги, тадбиркорларнинг ҳомийлиги ҳамда туман раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши, ҳудуд жойлашган сектор раҳбари – туман прокурори Акмалжон Ҳасановнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ҳашар йўли билан бунёд этилди.

Очилиш маросимида иштирок этган мутасаддилар аҳолининг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги асосида мана шундай кўплаб хайрли ишларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақида гапирдилар.

Шу куни туманнинг Ирғоли қишлоғида 330 ўринли янги 62-мактаб биноси ҳам тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

"Ташаббусли бюджет" дастури доирасида ажратилган 900 млн сўм маблағ ҳисобига мактаб биноси қуриб битказилди. Вилоят ҳокими томонидан вилоят маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган қисмидан ажратилган 1,5 млрд сўм маблағ ҳисобига мактабга 9х18 метр ҳажмдаги замонавий спорт зали ҳам қуриб берилди. Мактаб учун туман маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган қисмидан ҳам 360 млн сўм маблағ йўналтирилди.

Авваллари қишлоқ ёшлари шу ҳудуддаги 30-мактабнинг филиалида бошланғич таълимни олишгач, юқори синфларда ўқиш учун ҳар куни 2-3 километр пиёда йўл босиб, қўшни қишлоқдаги мактабга қатнашган. Бу эса улар ва ота-оналар учун ноқулайликлар туғдирар эди. Шунинг учун ҳам янги бинонинг иш бошлаши қишлоқ аҳлини севинтирди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

# 14 минг 252 та энергиятежамкор газ ускунаси ўрнатилди

**Ҳилола ИСМАТОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Тежамкорликка риоя этиш қайси соҳада бўлмасин, ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Негаки, ҳар бир неъматнинг қиймати, ўлчови бор. Худди шунингдек, табиий бойликларимиз ҳам қадрли саналади. Хусусан, куз-қиш мавсумида табиий газни бир кубидан ҳам унумли фойдаланиш зарурлигини шароитнинг ўзи тақозо этади.**

Айтиш керакки, бу борада энергиятежамкор газ ускуналарининг аҳамияти катта. "Ҳудудгаз Навоий" газ таъминоти филиали ва унинг шаҳар, туман-газ газ таъминоти бўлимлари ходимлари томонидан энергиятежамкор газ ёндиргичларининг афзалликлари юзасидан маҳаллалар кесимида олиб борилаётган тарғибот тадбирлари ҳам бежизга эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай энергиятежовчи газ ёндиргичлари газ сарфини 30-35 фоизга камайтиради, тўлиқ ёнишини таъминлайди. Шунингдек, хавфсизлик автоматикасига эгалиги учун ҳам газ ўчган тақдирда автоматик равишда газ ёндиргич ўчади. Бу эса албатта, ҳар бир истеъмолчи учун қулай ва хавфсизлиги билан эътиборга молик бўлмоқда.



– Вилоят бўйича ўтган йил давомида 27 минг 690 та энергиятежамкор газ ускунаси ўрнатилиши таъминланди, – деди "Ҳудудгаз Навоий" газ таъминоти филиали етакчи муҳандиси Фахриддин Жумаев. – Олиб бораётган тарғибот ишларимиз натижасида аҳоли билан бирга улгуржи истеъмолчиларда ҳам бино ва хоналарни иситишда тежамкор газ ёндиргичларидан фойдаланиш талаби ортяпти. Маънан эскирган, қўлбола ва ностандарт газ жиҳозлари ўрнига замонавий газ ёндиргичларидан фойдаланиш газ тўлови учун харажатларни камайтириши билан ҳам истеъмолчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маълумот ўрнида келтириш жоиз, 2024 йил давомида вилоят бўйича 14 минг 252 та замонавий энергиятежамкор газ ускунасини ўрнатиш режалаштирилган.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Маданият ва маънавият маркази учун янги бино

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Яқинда Президент раислигида ўтказилган ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида туманларда кутубхонаси ва тўгарак хоналари бўлган маданият маркази барпо этиш, ҳудудларда маданий тадбирлар ўтказиш ҳамда ёшларни санъатга жалб қилиш масалалари кўрсатиб ўтилганди.**



Бугун ана шундай маданият даргоҳларидан бири Қарши туманидаги Чароғил маҳалласида қад ростлади. Бир пайтлар халққа нафи теккан, кўплаб зиёлилар етишиб чиққан бу маскан сўнгги пайтлар қаровсиз ҳолатда эди. 4 млрд сўм маблағ эвазига таъмирланиб, янгича кўриниш олган ушбу марказ биноси ҳозирда туманнинг энг диққатга сазовор жойларидан бирига айланди.

Айни кунларда ҳудуд ёшларининг севимли даргоҳига айланган ушбу маскан 280 млн сўмлик бадиий китоблар, ўқув қуроллари ва қўшимча инвентарлар билан бойитилди.

# Қаршида замонавий мактабгача таълим ташкилотлари очилди

**Маълумки, мактабгача тарбия – таълимнинг бирламчи ва энг муҳим бўғини ҳисобланади.**

Сўнгги вақтларда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар таълим сифатини оширишга ва уни замон талаблари асосида ташкил этишга хизмат қилмоқда. Бу борада ҳудудларда янгидан янги ишга тушаётган мактабгача таълим ташкилотлари орқали уларнинг қамров даражаси ошиб бормоқда. Қарши шаҳрида бир кунда 2 та янги, замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган боғчалар фойдаланишга топширилиши билан яна кўплаб болажонлар замонавий билим ва фаол интеллектуал тизим асосида тарбияланадиган бўлишди.

Қарши шаҳрининг Хўжахиёл маҳалласида жойлашган 23-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг 1956 йилда қурилган эски биноси ўрнида 3 қаватли 120 ўринга мўлжалланган замонавий янги бино қурилиб, болажонларнинг бир олам қувончига сабаб бўлди. Шунингдек, шаҳарнинг Шодлик маҳалласидаги 1974 йилда қурилган 28-сонли ДМТТ ҳам инвестиция дастури асосида қайта таъмирдан чиқарилди. Муассасанинг қуввати 360 ўринли бўлиб, таъмирдан сўнг барча замонавий ва қулай шароитларни ўз ичига олади.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# Йўлсозлар учун техникалар

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

– "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар" деган ота сўзимиз бор, – деди боғотлик нуроний Мадраҳим ота Худойберганов туман ободонлаштириш бошқармасига йўл қурилиш соҳасида ишлатиладиган техникаларни топшириш маросимида сўз олиб.

Яқинда вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов Боғот тумани ободонлаштириш бошқармасига йўл қурилиши соҳасида ишлатиладиган, умумий қиймати 7 миллиард сўмдан ортиқ бўлган йирик ҳажмли юк автомобиллари, экскаватор, грейдер, юкловчи ва зичловчи техника воситаларини топширди.

Маълумот учун, ўтган йили туманда 40 километр узунликдаги ички ва магистраль автомобиль йўлларига асфальт, 77 километр ички йўлларга қум-шағал аралашмаси ётқизилди ва 2 километр йўл бетонлаштирилди. Янги техникалар келтирилиши натижасида жорий йилда йўлларни таъмирлаш бўйича бажариладиган иш ҳажми бир неча баробар ортади.

– Тасарруфимиздаги 560 километр ички йўлларни таъмирлаш белгиланган, – деди туман ободонлаштириш бўлими ходими Элмурод Бердимуродов. – Ушбу йўлларни таъмирлаш учун ҳам мана шу техникалар сотиб олинди. 2024-2025 йилларда 146 километр йўлларга қум-шағал ташлаш ва асфальтлаш ишларини амалга оширамиз.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ўтган йили 40 километр ички йўллар асфальт ҳамда 71 километр йўллар майда қум-тош ёрдамида таъмирланди. 2024 йилда эса 45 километр йўлларга асфальт ва 141 километр йўлларга майда қум-тош аралашмаси ташланиб таъмирланади.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил февраль ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги Лойиҳа фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Фарҳод Ахунов,** Иссиқлик таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бош мутахассислари **Солижон Қўшақов, Азизжон Нуров,**

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Стратегик режалаштириш ва истиқболли лойиҳалар бўлими бош мутахассиси **Нилуфар Ҳасанова,**

"Ўзбекистон бунёдкори" НУ МЧЖ техник редактор-дизайнери **Акмал Маҳкамов,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси корхона бош муҳандиси **Фаррух Тўйчиев,** ИКТ муҳандиси **Руслан Холниязов,** "Водий" филиали директори **Рустам Мамасидиқов,**

"O'zog'irsanoatloyiha" АЖ Муҳандислик тузилмалари ва конструкциялари бўлими муҳандиси **Исроил Азимов,** қоровул **Ҳикматулла Мирзалиев,**

"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти Мастер режаларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Илҳом Жўраев,** Ҳудудий муҳандислик коммуникациялари бўлими бошлиғи **Жасурхўжа Абдуқодиров,**

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси техниги **Бобиржон Турдимурадов,** Йўл ва ҳудудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими лойиҳа бош муҳандиси **Бахтиёр Кучкаров,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Улуғбек Кучкаров,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi" ДМ Қорақалпоғистон Республикаси филиали бош мутахассиси **Азизбек Ибадуллаев,**

Бухоро вилояти, Жондор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Алижон Толибов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси рухсатномалар беришни мувофиқлаштириш бўйича бош мутахассис **Давлат Бобомуродов,** Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бошлиғи ўринбосари **Аслиддин Шарипов,**

Навоий вилояти, Нурота тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жамолиддин Аҳматкулов,**

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi" ДМ Самарқанд вилояти филиали ходимлар бўйича мутахассиси **Чингиз Хўжақулов,** бош мутахассис **Анна Владикина,**

Хоразм вилояти, Гурлан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Алишер Раҳимбоев,**

Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидаги "Ғаллаорол сервис" МЧЖ бош директори **Қиличбек Экмирзаев,**

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги "Ta'mirlash Farovon Servis" МЧЖ бош директори **Ҳусан Абилов,**

Фарғона вилояти, Қувасой шаҳридаги "Сервис дом ремонт" МЧЖ бош директори **Марзия Жиянбекова,**

Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги "A'Lo Sifat Ta'Mir Kompaniyasi" МЧЖ БСК бош директори **Азиз Ҳакимов,** Яккасарой туманидаги "GC kommunal" МЧЖ бош директори **Аҳмад Нигбаев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**


# "Respublika mulk markazi" МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ электрон-онлайн аукцион савдоларига таклиф этади!**

**"Ўзбектелеком" АКнинг 2024 йил 23 январдаги 53-02-05/117-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Навбаҳор" агрофирмаси ҳудуди манзилида сақланаётган жами 3066 дона қўй-қўзилар очиқ электрон-онлайн аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. Жами вазни 25 048 кг бўлган боқувдаги 519 дона қўй. **Жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 1 430 887 980,09 сўм.
2. Жами вазни 2 730 кг бўлган 30 дона наслдор қўчқор. **Жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 48 501 923,92 сўм.
3. Жами вазни 36 883 кг бўлган 1001 дона она қўй. **Жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 801 599 763,30 сўм.
4. Жами вазни 5 785 кг бўлган 2021 йилги 202 дона урғочи қўй. **Жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 240 335 165,68 сўм.
5. Жами вазни 10 924 кг бўлган 2020 йилги 284 дона урғочи қўй. **Жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 364 986 226,13 сўм.
6. Жами вазни 7 817 кг бўлган 2022 йилги 437 дона урғочи қўй. **Жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 398 628 919,31 сўм.
7. Жами вазни 5 098 кг бўлган 2021 йилги 174 дона эркак қўй. **Жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 284 021 561,02 сўм.
8. Жами вазни 7 773 кг бўлган 2022 йилги 419 дона эркак қўй. **Жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 351 529 635,93 сўм.

**Очиқ электрон-онлайн аукцион савдо 2024 йил 23 февраль куни соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 22 февраль куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги жами 3066 дона қўй-қўзилар 2024 йил 23 февраль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари ҳар 15 кунда 2024 йилнинг 31 декабрь кунига қадар соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№10 (763) 2024 йил 13 февраль

# ҲАР МАКОНИ ЖАННАТ ЎЛКАМ



**Мирзобек ҚАЮМОВ,** Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори:

– Қадим ва навқирон Бухорои шарифда туғилиб ўсганим ҳам бир бахт, аслида. Шу билан бирга, қадимдан дунё аҳлининг эътирофини қозониб келаётган бу азим тупроқда яшашнинг ўзига хос масъулияти борлигини бугунги кун ёшлари унутмаслиги лозим. Зеро, унинг қадимий ва замонавий қиёфасини уйғунлаштирган ҳолда ўзига хослигини сақлаб қолишга ҳар биримиз масъулмиз.

Ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш ниятида 2021 йилда Бухоро муҳандислик-технология институтининг бино ва иншоотлар қурилиши йўналишини тамомлаганман. Бугунги кунда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида фаолият юритиб, асосан, Бухоро шаҳридаги қурилиш объектларига масъул вазифани бажариб келмоқдаман. Бугун Бухорода ҳам бунёдкорлик жадаллик билан давом этмоқда. Амалга оширилаётган ҳар бир қурилиш жараёнининг доимий назоратда эканлиги эса эртанги кунимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бугун биз барпо этаётган биноларда келажакда миллионлаб оилалар истиқомат қилади, миллионлаб қора кўзлар таълим-тарбия олади, даволанади... Ўз вазифаси ва бурчини яхши англаган ҳар бир мутахассис буларни ҳамиша ёдида сақлаган ҳолда, вазифасига сидқидилдан ёндашиши керак. Шундагина юртимиз ҳудудларида бунёд этилаётган ҳар бир иншоот ўз эгаларига сифатли, мустаҳакам, кўркам ва шинам ҳолда етиб боради. Ана шу туйғунинг ўзи ҳам бизга касбимиздан янада фахрланиш туйғусини бағишлайди.

Мен ҳам юртимиз ёшларининг бир вакили сифатида бу ишга ўз ҳиссамни қўшиб келаётганимдан мамнунман. Келажакда ҳам бу йўлда оғишмасдан, ҳар макони жаннатмонанд юртимиз янада тараққий этиши учун ўз бурчимни масъулият билан бажаришда давом этаман.

**МОЗИЙ**

# ТОЗА ХИВАҚДАГИ ИНШООТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ НИМАДА?



**1825 йилда Хива тахтига кўтарилган Оллоқулихон мамлакатнинг ривожланиши ва шаҳарсозлик борасида кўп ишларни амалга оширди. Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) ва унинг ўғли Исфандиёрхон (1910-1918) даврида Хоразм меъморчилигининг қадимги анъаналари давом эттирилиб, кўпгина меъморий обидалар қурилди. Бу даврда Вазири Акбар Исломхўжа томонидан бошланган мадраса ва минора қурилиши ниҳоясига етди. Тоза Хивақ деб ном олган шаҳарнинг шимолий томонидаги янги маҳаллада почта-телеграф ва 50 ўринга мўлжалланган касалхона, Нуруллабой боғида Европа услубида хоннинг махсус қабулхонаси қурилиши шаҳарнинг кенгайиб боришидан дарак берар эди.**

**Мухбиримиз Болтабой МАТҚУРБОНОВ Хива "Ичон қалъа" музей қўриқхонаси илмий ходими, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Комилжон ХУДОЙБЕРГАНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

**– Тоза Хивақ (Янги Хива)нинг яратилиш тарихи, касалхона ва телеграф қурилиши ҳақида гапириб берсангиз.**

– XX аср бошида Вазири Акбар Саййид Исломхўжа ташаббуси ва ҳукмдор Саййид Исфандиёрхон буйруғи билан битказилган хастахона (касалхона) маҳаллий ҳамда Европа меъморчилиги анъаналари уйғунлигида яратилган. Исфандиёрхон кўҳна қалъанинг шимолий томонидаги вайрона бўлиб ётган ерларни обод қилдириб, уни Тоза Хивақ номи билан аташга фармон беради. Отажон девонга Дешон қалъанинг Урганч дарвозаси деб аталадиган орқа (шимолий) дарвозасини йиқитиб, ўрнига Қўша дарвоза қурдиришни буюрди. Яна шу дарвоза яқинида йўл устида бир тилгирамхона (телеграф) бино қилмоқни Отажон девонга, унинг шарқ томонида бир ғоят катта доруш-шифо қурдиришни Раҳимберганга буюрди. Исфандиёрхон халқим узоқ-яқинидан хабар олишни истаса, тилгирамхонадан фойдалансин, беморлар турк табибларига пул харж қилмай, янги касалхонада шифо топгайлар, деб ният қилди.

1911 йилнинг ёзида Петербургда рус подшоси билан учрашган Ислом хўжа ва Исфандиёрхон почта ҳамда касалхона лойиҳасини чизиб берадиган одамни сўрадилар. Подшо уларни Москва шаҳрининг ҳокими Н. Гучков ёнига йўллайди. Гучков Исломхўжани архитектор А. Рооп билан таништиради. Хивалик қарияларнинг сўзига қараганда, бу оқсоқ архитектор Хивага келган ва Муҳаммад Карим Неъматулла ўғли билан ҳамкорликда почта, касалхона ва Нуруллабой саройининг лойиҳасини чизишган.

Бир-бирига қаратиб, қўш қилиб қурилган почтахона ва хастахона чиройли кошинлар билан безатилади. Касалхона пештоқига ўзбек ва рус тилларида кўк кошин плиткаларига шундай сўзлар ёзилди: "Подшоҳи аъзам императури ҳазратларининг валиаҳдлари шаҳзода улуғ князь Алексей Никулаевич жаноб олийнинг номларига Саййид Исфандиёрхоннинг тарафларидан Тоза Хивақда бино этилган хастахона. 1331 йил ҳижрийда. Хивинская Больница имени наследника Алексъя основанная его высочествомь Сеидь Эсфендиарь Багадур ханомъ въ 1912 г".



**– Тарихий манбаларда кўрсатилишича, касалхона ва телеграф биноси Саййид Асфандиёрхоннинг тилладан ясалган қиличи эвазига қурилган, деган гаплар ҳам бор. Бу қанчалик тўғри?**

– Хивалик қариялар шаҳзода Алексейнинг номи Хивада қурилган касалхона пештоқига ёзилишининг сабабини шундай изоҳлашади: "1910 йилда Исфандиёрхон ўз ўрнига қози калон Салим охунни қолдириб, Исломхўжа ва бошқа аркони давлатлар билан Петербургга бож тўлаш учун боришади. Рус подшоси Николай II қабулида бўлган хиваликларнинг бу ташрифи шаҳзода Алексейнинг туғилган куни муносабати билан берилаётган зиёфатга тўғри келади. Шунда ақлли ва донишманд Исломхўжа хижолатдан чиқиш учун Николай II га "Биз бундай байрамга келишимизни билмабмиз. Билганимизда муносиб совға олиб келардик. Орадаги йўл узоқ, агар бизда ҳам, сиздагидек тилгирамхона бўлганда эди, бир-биримиз билан алоқамиз яқин бўлиб, бўлаётган воқеалардан бир-биримизни огоҳ қилиб турар эдик. Энди бизга рухсат этсангиз, Шаҳзода Алексейнинг номига шаҳримизда бир катта касалхона қурдирсак. Токи унда даволанган киши, шаҳзодани дуо қилиб, унинг ҳам соғайиб кетишини тиласалар", – дейди. Исфандиёрхон ўзи ясаб, тилладан нақшлар қўйган бир қилични шаҳзода Алексейга совға қилади. Бу совғадан ниҳоятда шодланган шаҳзодани кўрган Николай II бож учун олиб борилган пулларни қайтариб олиб кетишларини ва унга Хивада телеграф билан касалхона қуришларига розилик билдиради. Янги қурилиб, 1913 йилда ишга туширилган 50 ўринга мўлжалланган касалхонада шартнома асосида биринчи бўлиб, рус врачи А. Анисимов, кейинчалик, Умми Гулсум Асфандиёрова иш бошлайди.

Касалхона қаршисидаги почтахона пештоқидаги кошинларга ўзбек тилида настаълиқ хати услубида шундай сўзлар битилди: "Жаноб олий Саййид Исфандиёр Баҳодирхон дома шавкатининг фармони олийлари била сана 1330 йили ушбу телеграф ва фўчтахона бино этилди". Ушбу иккала янги услубдаги бинонинг қурилишида ишлаш учун русча иморат қуришни биладиган усталар – Тўрткўл ва Шоббоз (Шоҳ Аббос) шаҳарларидан келтирилган. 1912 йилда ишга туширилган Почта-телеграф 1982 йилгача фаолият кўрсатди. Унинг ёнида қурилган янги Алоқа бўлимининг биноси иш бошлагач, эски бинода музей ташкил қилинди. Музей ташкилотчиси Ўзбекистонда биринчи муҳандис алоқачилардан бўлган Юсуф Муҳаммадов эди.

**– Шаҳарнинг Тоза Хивақ деб ном олишида Европа услубида қурилган Нуруллабой саройи ҳам ўзининг жозибадорлиги билан катта ҳисса қўшган. Саройнинг қурилиши ҳақида гапириб берсангиз.**

– Ушбу мажмуа XIX асрнинг бошидан ҳукмдорлар эътиборига тушган. Аввалига Нурулла исмли бойнинг мулки бўлган бу катта боғ Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) томонидан бойдан сотиб олинган. Нуруллабой хонга: "Боғ кўп вақтлардан буён халқ орасида менинг номим билан машҳур бўлган. Бу менга ҳам ёқади, агар шу номни йўқотмасангиз сотаман" – дейди. Хон розилик билдиради ва боғни сотиб олади. Шундай қилиб, бу боғ ичида қурилган иморатлар ҳам Нуруллабой номи билан аталади. Шундан кейин Муҳаммад Раҳимхон I ўғиллари Саййид Маҳмуд ва Саййид Муҳаммад тўраларга бу боғнинг ғарбий томонидан ҳовли жойлар қуриб беради. Саййид Муҳаммадхон ўз замонасида (1856-1864) Аркни қайта таъмирлатди ва Нуруллабой боғининг шарқий қисмида Ҳасанмурод қушбеги раҳбарлигида бир кўринишхона қурдирди. 1859 йилда хон Аркдан Нуруллабой ҳовлисига кўчиб келди.

Огаҳийнинг ёзишича, Муҳаммад Раҳимхон Соний ҳам "ҳар йил қиш мавсумида Хивақ шаҳрининг ичида Аркда хилофат тахтида муқим бўлиб, ёз фаслида Хивақнинг ташқари ҳисори ичидаги боғи мусаффо ва ҳаволий ишратафзоғаким, Нуруллабой исми била мавсумдир, аркдин кўчиб бориб, салтанат саририда иқомат кўргузар эди" деб ёзади. У 1870 йилда боғнинг кунчиқар томонида ўзи учун бир қасри олий бунёд қилдириб, унинг битказилиши шарафига катта тўй берган. Бу қасрнинг қурилишига атаб шоирлар шеърлар ёзишган.

Саййид Муҳаммадхондан бошлаб Нуруллабой саройида хонлар қабул маросимларини ўтказишган ва шундан кейин Ичон-Қалъадаги Арк, халқ тилида Кўҳна Арк номини олган. Нуруллабойдаги кўринишхона, саройлар ва бошқа жамики бинолар қалъа девори билан ўраб олинган. Бу кичик қалъа, ўзига хос ҳовлига жануб томондаги дарвоза орқали кирилган. Дарвозанинг ғарбида Ислом хўжанинг уйи бўлган, шарқий томонида кўринишхона жойлашган. Кўринишхона жуда оддий бўлиб, айвон олдидаги мармар супадан иборат. Нуруллабой боғи ичидаги "Ҳовли" номини олган улкан бино Исфандиёрхон учун отаси Муҳаммад Раҳимхон томонидан 1896-1906 йилларда қуриб битказилган ҳарам эди. 1910 йилда отаси вафотидан сўнг тахтга кўтарилган Исфандиёрхон Нуруллабой саройини барпо эттириб, боғдаги қурилишларни якунлайди. Бинолар ўртасида икки жойда катта ҳовуз бўлиб, унинг атрофида Феруз шоир ва созандалар иштирокида мушоира ўтказилган. Шу ерда илк бора ёзилган шеърлар учун қалам ҳақи (гонорар) бериш йўлга қўйилган.

XX аср бошидаги жаҳон ривожланишидан Хива хонлиги ҳам орқада қолмади. Бу Хива меъморий обидалари қурилишида ҳам ўз аксини топди. 1910-1912 йилларда Вазири Акбар Исломхўжа ташаббуси билан Қўша дарвоза, Европа услуби ва маҳаллий архитектуранинг уйғунлашиб кетиши натижасида бунёд этилган почта-телеграф, касалхона ва Исфандиёрхоннинг расмий қабулхонаси қурилди. Нуруллабой саройи аслида Исфандиёрхоннинг Европа элчиларини қабул қилиш учун тайёрланган махсус меҳмонхонаси эди. Сарой қурилишида маҳаллий уста-ҳунармандлар билан бирга Хиванинг Оқмасжид қишлоғида яшаган немис меннонитлари ҳамда рус рассомлари ҳам қатнашган. Немис усталар бинонинг дурадгорлик ишларини – эшик, дераза, паркет полларини тузатишган. Рус рассомлари ички безак ишлари ва камин-печкаларни ўрнатишда хиваликларга яқиндан ёрдам беришган.

Сарой етти хонадан иборат бўлиб, хоналарнинг ички безаклари бир-биридан фарқ қилади. Деворлар ганчдан ўйма нақшлар билан безатилиб, ранг бўёқлар берилган. Тартиб бўйича иккинчи катта хона меҳмонлар учун зиёфат уюштириладиган, тўртинчи хона расмий қабул учун мўлжалланган бўлиб, 5-, 6-хоналар ётоқхона вазифасини бажарган. Охирги хона деворларига тилла суви юргизилгани учун "Зарҳал", тилла хона номини олиб, шифтига қимматбаҳо тошлар ўрнатилган. Ҳар бир хонага Петербург чинни заводидан келтирилган камин-печлар ўрнатилган. Шунингдек, биллур қандиллар осилиб, электр лампочкалар ёқилган. Хоннинг саккиз бурчакли қабулхонаси шифтига ҳам тилладан ранг бериб, чиройли геометрик ва ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Зиёфат хонасининг тўрт девори тепасида христиан динига хос бўлган тасвир – фаришталар (севишганлар) расми чизилган, бу хонадан ўтиладиган даҳлиз – бешинчи хона тепасида эса янада қизиқарли тасвирлар, ўртада ислом рамзи – ҳилол ой ва унинг атрофида юлдузлар, деворлар тепасида эса Европада севги рамзи саналган фаришталар (амур) тасвири ясалган. Ушбу рамзий белгилар мажозий маънода бу саройни жаннатга ўхшатади. Чунки ҳилолнинг юлдузлар билан бирикуви жаннатнинг рамзий тимсоли ҳисобланади. Фаришталарнинг тасвири ҳам жаннатда ҳурларнинг бўлишига ишорадир.

Волга бўйидан чақиртирилган Мусо Янгиўрозов хонликда биринчи марта электр лампочкасини шу ерда ёққан. Нуруллабой саройида 1920-1924 йилларда Хоразм республикасининг бешта қурултойи ўтказилган.

**– Баъзи адабиётларда Саййид Исфандиёрхонни салбий томонларини кўпроқ ўқиганмиз. Бу нечоғлик ҳақиқатга яқин?**

– Саййид Исфандиёрхоннинг халқ учун қилган хайрли ва эзгу ишлари ҳам кўп бўлган. 1910-1918 йилларда ҳукмронлик қилган Исфандиёрхон хонлик даврини янгиликлардан бошлади. Унинг фармони билан хонлик аҳолиси қадимдан келаётган бегор – йилига ҳар бир киши давлат учун 12 кун бепул ишлаб бериш, 2,5 танга солиқ тўлаш, йилига 2 танга миқдорда сув солиғи тўлашдан озод қилинди. Яна солиқларнинг бир неча тури қисқартирилди. Хон "Бу ишлар учун халқимиз беш вақт намозни канда қилмасин ва мамлакатимиз равнақи учун дуо қилсинлар" – деди. Исфандиёрхон ёшлигидан юввош, ҳалим бўлиб ўсди. Хива қозиси Муҳаммад Солиҳ Охунддан дин илмини ўрганиб, Иброҳим хўжа тарбиясида камол топди. Яхши маълумот олган Исфандиёр Фаррух (гўзал, шод, қутлуғ) тахаллуси билан шеърлар ёзди. Отаси Муҳаммад Раҳимхон II ўғлининг бу тариқа фаросатли ақл эгаси бўлганидан хурсанд бўлиб, уни ўзига валиаҳд (тожу тахт меросхўри) этиб тайинлайди ва рус подшоси ҳам буни маъқуллайди. Исфандиёрнинг отаси уни ёшлигидан турли касбларни ўрганиши учун кенг йўл очиб қўйган. Хусусан, савдогарларга қўшилиб, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Қобул ва Россия шаҳарларига бориб келган. Заргарлик ҳунарини мукаммал билган. Татар оға-ини Сайдашовлар билан алоқада бўлиб, ўзгараётган замон маълумотлари билан танишиб борган. Ҳукмронлигининг бошланғич уч йилида мамлакат учун энг яхши ишларни амалга оширган.

**– Мазмунли суҳбат учун ташаккур.**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-241.
1771 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 21.30.
Топширилди – 22.25.

1 2 3 4 5 6